

№1-2 (1536)
2026–YIL
31–YANVAR



t.me/ozbekistondasog'liqni saqlash

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҚУЖЖАТЛАРИГА БАЪЗИ ТУРДАГИ ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ, ТАМАКИНИ ВА НИКОТИННИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ МОСЛАМАЛАРИНИНГ МУОМАЛАСИГА ДОИР ТАЛАБЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 24 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 30 апрелда маъқулланган

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида, айниқса болалар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шу жумладан тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ва истеъмол қилинишини чеклаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга кейинги йилларда тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турларини, хусусан, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ва улар учун суюқликларни мамлакатимизга қонунга ҳилоф равишда олиб кириш ҳамда муомалага киритиш ҳоллари кўпайган бўлиб, бу эса ушбу маҳсулотлар аҳоли ўртасида, айниқса болалар ва ёшлар орасида истеъмол қилинишининг ортисига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан тамаки маҳсулотларининг, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларининг, шу жумладан электрон сигареталарнинг ва улар учун суюқликларнинг муомаласини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тақиқлаш, уларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш учун жавобгарлик белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси-

нинг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ва улар учун суюқликларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек олиб кириш ва олиб чиқиш учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутовчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Бунда ушбу ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилган ва муомаласи тақиқланган маҳсулотларни топширган тақдирда, мазкур шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ва ишлаб чиқариш учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида никотин етказиб беришнинг электрон тизимларининг, шу жумладан электрон сигареталарнинг ва улар учун суюқликларнинг айланishiга доир тақиқ белгиланмоқда.

Ушбу Қонун аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга, миллат генофондини сақлашга, атроф муҳитни тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турларидан муҳофаза қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда;

Давоми 2 –бетда ▶

Ўзбекистон – Буюк Британия

“АҚЛЛИ ШИФОХОНА” КОНЦЕПЦИЯСИ



Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров ва Буюк Британиянинг “International Hospitals Group” (IHG) компанияси раҳбари Честер Кинг ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтказилган мулоқотда руҳий саломатлик хизмати йўналишида “Халқаро стандартларга асосланган амбулатор ва стационар

даволаш муассасасини ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш, хусусан, замонавий “ақлли шифохона” концепцияси, рақамли бошқарув тизимларини жорий

этиш, кадрлар малакасини ошириш ҳамда замонавий менежмент масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, “International Hospitals Group” Британиянинг етакчи халқаро тиббий инфратузилма компанияси ҳисобланади.

У дунёда руҳий саломатлик соҳасида халқаро стандартларга асосланган амбулатор ва стационар клиникаларни лойиҳалаштириш ҳамда барпо этиш бораси-

да катта тажрибага эга. Ҳозирги вақтда Яқин Шарқ давлатлари, Қозоғистон ва яна қатор мамлакатларда фаол иш олиб бормоқда.

Учрашувда компания раҳбари Честер Кинг Тошкент шаҳри ҳамда пойтахт вилоятида жойлашган психиатрия ва наркология хизмати муассасаларига ташриф буюрганини таъкидлаб, Ўзбекистонда руҳий саломатлик йўналишида амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳолади.

Муҳокама давомида юртимизда бу йўналишда тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, аҳоли учун замонавий ва самарали тиббий ёрдамни таъминлаш ҳамда британиялик мутахассисларни жалб этган ҳолда руҳий саломатлик хизматини барқарор ривожлантиришга қўшилиб олинди. Шунингдек, компания раҳбари бу борада нафақат давлат, балки нодавлат тиббиёт муассасалари билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

@ssvuz

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА БАЪЗИ ТУРДАГИ
ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ, ТАМАКИНИ ВА НИКОТИННИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ
МОСЛАМАЛАРИНИНГ МУОМАЛАСИГА ДОИР ТАЛАБЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА
ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

◀Давоми. Боши 1— бетда

2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186, № 12, 1280, 1287-моддалар) 1861-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«186¹-модда. Этил спиртини, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш

Этил спиртини, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спиртини, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ишлаб чиқариш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) қўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) жуда қўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатларни содир этишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни топширса, жавобгарликдан озод қилинади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, №

12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар) 186¹-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«186¹-модда. Этил спиртини, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш

Этил спиртини, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, —

ҳукуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ишлаб чиқариш, —

ҳукуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни олиш ёки

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА БАЪЗИ ТУРДАГИ ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ, ТАМАКИНИ ВА НИКОТИННИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ МОСЛАМАЛАРИНИНГ МУОМАЛАСИГА ДОИР ТАЛАБЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

◀Давоми. Боши 1 ва 2 бетларда

сақлаш, –

хукукбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган хукукбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этиш, –

хукукбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни топширса, маъмурий жавобгарликдан озод қилинади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ-844-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 5, 322-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 1-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган талаблар ушбу Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ айланиши тақиқланган тамаки маҳсулотларига, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларига, шу жумладан электрон сигареталарга нисбатан татбиқ этилмайди»;

2) 3-модданинг:

учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи савдоси — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини (бундан ушбу Қонун 37-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида айланиши тақиқланган маҳсулотлар ва мосламалар мустасно) кейинчалик сотиш учун етказиб бериш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини (бундан ушбу Қонун 37-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида айланиши тақиқланган маҳсулотлар ва мосламалар мустасно) мазкур маҳсулотлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз истеъмолчига реализация қилиш»;

ўн биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари – электр токи (аккумулятор) ёрдамида никотинли ёки никотинсиз суюқликни (картрижларда, резервуарларда ва бошқа контейнерларда) қиздирадиган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган азрозоль (буг, тутун) ҳосил қиладиган, кўп марта ишлатиладиган мосламалар, шу жумладан алоҳида ёки бирга сотилишидан қатъи назар, бундай мослама билан бирга фойдаланиш учун тайёрланган ҳар қандай буюм ёки қисм (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно)»;

3) 34-модданинг:

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) 37-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Таркибидаги никотин ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган бошқа моддалар миқдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражаларидан ошадиган тамаки маҳсулотларининг, шунингдек санитария-эпидемиология талаблари белгиланмаган тамаки маҳсулотларининг айланиши тақиқланади.

Қуйидагиларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тақиқланади:

чекилмайдиган тамаки маҳсулотларини, шу жумладан таркибида никотин мавжуд бўлган чекилмайдиган маҳсулотларни;

таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузлари, эритмалари, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотинли геллар мавжуд бўлган, лекин тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлмаган чекиладиган маҳсулотларни (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинли суюқликларни, электрон сигареталар учун никотинли суюқликларни);

таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, лекин никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, шу жумладан электрон сигареталар билан бирга фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотларни (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинсиз суюқликларни, электрон сигареталар учун никотинсиз суюқликларни);

никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган тақиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида носвойни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Тамаки маҳсулотларига ўхшатиб ишланган товарларни ишлаб чиқариш, олиб кириш, сотиш ва тарқатиш тақиқланади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг (бундан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида айланиши тақиқланган маҳсулотлар ва мосламалар мустасно) улгуржи ва чакана савдоси қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдосига доир фаолият Ваколатли давлат органига мазкур фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотларининг чакана савдосига доир фаолият солиқ органларига мазкур фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси фақат тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини сақлаш ҳамда реализация қилишнинг тегишли санитария нормалари ва қоидаларига мос келадиган омборхоналари ҳамда ускуналари бўлган кўчмас савдо объектларида амалга оширилиши мумкин.

Чакана савдо амалга ошириладиганда тамаки маҳ-

сулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ёйиб қўйиш ва очиқ намоёиш этиш тақиқланади.

Чакана савдо учун таклиф этиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари тўғрисидаги ахборот сотувчи томонидан харидорлар эътиборига савдо залида сотиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхатини жойлаштириш орқали етказилади, рўйхатнинг матни оқ фонда бир хил ўлчамдаги қора рангли ҳарфлар билан ёзилади ва рўйхат алфавит тартибида, сотиладиган тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг нархи кўрсатилган ҳолда, бирор-бир график тасвирлар ва расмлардан фойдаланмасдан тузилади.

Кўчмас савдо объектларида тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини харидорга намоёиш этиш унинг талабига кўра, сотиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхати билан танишиб чиққанидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдосига доир фаолият онлайн тарзда фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) виртуал касса тизимларини, шунингдек банк пластик карталаридан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини албатта қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг, шу жумладан импорт қилинган бундай маҳсулотлар ва мосламаларнинг сотувчиси ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича тайёрловчининг ёки етказиб берувчининг имзоси билан тасдиқланган, ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича мувофиқлик сертификати мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар бўлган ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказилганлик рақамлари, ушбу сертификатнинг амал қилиш муддати ҳамда сертификатни берган орган кўрсатилган товар-транспорт ҳужжатларига эга бўлиши керак».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 27 ноябрь,
ЎРҚ-1098-сон

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси,
28.11.2025 й., 03/25/1098/1103-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2026 — 2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада қон маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бораётгани сабабли қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг имкониятларини янада кенгайтириш, даволаш муассасаларининг қон ва қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2026 — 2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини янада такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида ҳар минг нафар аҳолига донациялар сонини 10 тадан 30 тагача ошириш;

(б) қон маҳсулотларига эҳтиёжни тўлиқ қоплаш учун қон топширишлар (донациялар) сонини 1 миллионтагача ошириш орқали тайёрланадиган қон захирасини амалдаги 150 минг литрдан 450 минг литрга етказиш;

(в) беғараз қон донорлари сонини 300 минг нафардан 900 минг нафаргача етказиш;

(г) «эҳтиёж — қайта ишлаш — етказиш» занжирида бизнес жараёнларни бошқариш тизимини жорий этиш;

(д) илғор халқаро тажрибага асосланган стандарт операцион жараёнлар, хавфсизлик баённомалари ҳамда скрининг усуллари амалиётга жорий этиш орқали қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш;

(ж) қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари ходимларининг билимларини ошириш ва замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш;

(з) беғараз донорликни ривожлантириш, зарур қон захирасини шакллантириш учун тизим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

II. Қон билан ишлаш хизмати
tizimini такомиллаштириш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қуйидагиларни назарда тутувчи янги тизим йўлга қўйилади:

(а) 2026 йил 1 октябрдан бошлаб:

(i) қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича барча техник ва тиббий жараёнларни тартибга солувчи стандарт операцион жараёнлар ҳамда хавфсизлик баённомалари амалиётга жорий қилинади;

(ii) «эҳтиёж — қайта ишлаш — етказиш» занжири доирасида бизнес жараёнларини бошқариш тизими жорий этилади. Бунда қон ва унинг таркибий қисмларига эҳтиёжни шакллантириш, тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, етказиш ва беморга қуйиш, таҳлил ва ҳисоботларни юритиш, сифат назоратини таъминлаш ва қон маҳсулоти муомаласини мониторинг қилиш инobatга олинади;

(б) 2027 йил 1 мартдан бошлаб «Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш» ахборот тизими жорий этилади;

(в) қон билан ишлаш хизмати ҳамда даволаш-профилактика ташкилотлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилади.

3. Белгилансинки, 2026 йил якунига қадар:

(а) Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси (кейинги ўринларда — Платформа) доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи «Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш» ахборот тизими ишлаб чиқиладиган ва синовдан ўтказилади:

(i) қон ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида тизимлаштирилган маълумотларни юритиш;

(ii) қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлаши билан боғлиқ барча жараёнларни автоматлаштириш;

(iii) ушбу ахборот тизимини электрон тиббий карта, лаборатория ахборот тизимлари ва тиббиёт ташкилотлари билан интеграция қилиш;

(б) Платформага қуйидаги имкониятларни берувчи янги функциялар киритилади:

(i) Платформа орқали қон ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатини назорат қилиш;

(ii) шошилишч тиббий ёрдам хизматлари билан интеграция қилинган ҳолда қон ва унинг таркибий қисмларига буюртма бериш;

(iii) тиббиёт муассасаларидаги қон ва унинг таркибий қисмлари захирасини онлайн кузатиш;

(iv) туғруқ муассасаларини қон ва унинг таркибий қисмлари, плазма ва эритроцитар масса захираси билан таъминлашни онлайн мониторинг қилиш. Бунда:

туғруқ муассасаларининг электрон ахборот тизимлари ва Платформа ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилади;

ҳомилдорлик даврида қон ва унинг таркибий қисмларига шошилишч зарурат туғилганда қон билан ишлаш хизматини автоматлаштирилган хабардор қилиш тизими жорий этилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил якунига қадар қон билан ишлаш хизмати ташкилотларидаги барча жараёнларни, қон ва унинг таркибий қисмлари захираси реестрини ўз ичига олган «Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш» ахборот тизимини яратсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 октябрдан бошлаб қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон маҳсулотларини мажбурий тартибда икки босқичли скрининг текширувидан ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

III. Беғараз қон донорлиги ҳаракатини
янада ривожлантириш

6. 2026 йил 1 январдан бошлаб беғараз қон донорлиги ҳаракатини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тизим жорий этилсин:

(а) ҳар ойда «Бирга ҳаётни сақлаймиз» миллий донорлик акцияси ўтказилади. Бунда мазкур акция доирасида ҳар ойнинг бир ҳафтаси мобайнида — қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида, ҳар ойнинг уч ҳафтаси мобайнида — таълим, даволаш ва бошқа ташкилотларда қон донорлиги ташкил этилади;

(б) Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимидаги кирувчи вазирлик ва идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчилари ва ходимлари ўртасида ҳар йили бир маротаба донорлик кунлари ўтказилади;

(в) меҳнат жамоаларида донорлик кунларини ўтказиш йўлга қўйилади;

(г) умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий ҳамда олий таълим ташкилотларида донорлик бўйича маънавий-маърифий тадбир ва учрашувлар ташкил этилади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда жамоат жойларида, шу жумладан, савдо шохбчалари (бозорлар, маркетлар ва бошқалар), таълим ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, дам олиш зоналари, маданий, кўнгилочар муассасалар ҳамда олий таълим ташкилотларида кўчма донорлик пунктларини ташкил қилсин;

(б) туғруқда тиббий ёрдам кўрсатувчи ҳар бир муассасада қон ва унинг таркибий қисмлари шошилишч захирасини ташкил этсин ҳамда уни қон ва унинг таркибий қисмлари, жумладан, плазма ва эритроцитар масса захираси билан таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тегишли ҳудудларда беғараз қон донорлигини тарғиб қилувчи ижтимоий ташқи реклама ва ахборот объектларининг жойлаштирилишини таъминласин.

IV. Тадбирларни молиялаштириш

9. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2026 йилда Давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун 308 миллиард сўм маблағ йўналтирилади;

(б) ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2026 йилдан бошлаб

ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади ва нархлар ўзгаришига қараб индексация қилиб борилади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш,
таъминлаш ва назорат

10. Қуйидагилар:

(а) Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ;

(б) Республика қон қуйиш маркази ва ҳудудий қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини таъминлаш учун тиббий жиҳозлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

(в) 2026 — 2030 йилларда аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда хатлов натижасига кўра 2026 — 2028 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан республикадаги барча туғруқ муассасаларида қонни сақлаш ва ташиш учун совитиш қурилмалари, термоконтейнерлар ва ускуналар харид қилинишини таъминласин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) 2026 — 2030 йилларда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг 150 нафар мутахассисларини нуфузли хорижий тиббиёт ташкилотлари ҳамда марказларига янги технологиялар билан ишлаш бўйича малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш чораларини кўрсин;

(б) давлат-хусусий шериклик асосида йилига 20 тоннагача плазмани қайта ишлаш ҳажмига эга, «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» талабларига жавоб берадиган қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин. Бунда 10 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция маблағлари жалб этилиши инobatга олинсин;

(в) тиббий жиҳоз ҳамда бошқа асбоб-ускуна ва товарлар, шу жумладан, автотранспорт воситалари харидини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин. Бунда биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини кўриб чиқсин.

13. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қўлланиладиган тиббий жиҳоз ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имкониятини ўргансин ва шу асосда дастур қабул қилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда қон донорлиги ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини ўтказсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2026 йил 20 январь,
ПҚ-19-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎТКИР ЮРАК-ҚОН ТОМИР ВА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий хизматларни янги босқичга олиб чиқиш орқали эрта ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш, беморларни соғломлаштириш ҳамда реабилитация қилиш тизимини яратиш, шунингдек, аҳолига кардиологик ва неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш, беморларни даволаш ҳамда реабилитация қилишнинг янги усулларини жорий қилишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар хавф омиллари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳақидаги маълумотларни кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

(б) 30 ёшдан ошган аҳолини ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича такомиллаштирилган мақсадли тиббий текширувлар билан тўлиқ камраб олиш;

(в) шошилиш ҳолатларида юрак ва бош мия қон томирлари эндоваскуляр амалиётлари учун сарфлов воситалари ҳамда тромб эритувчи дори воситалари билан қамровни 100 фоизга етказиш;

(г) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлардан кейинги ногиронликни 30 фоизга, эрта ўлим ҳолатларини 15 фоизга қисқартириш.

II. Ўткир юрак-қон томир ва
цереброваскуляр касалликларнинг
олдини олиш, барвақт аниқлаш ва
даволаш тизимини такомиллаштириш

2. 2026 йил 1 майдан бошлаб халқаро дастурлар («Stent for Life» ва «Action Plan for Stroke») асосида ишлаб чиқилган Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури (кейинги ўринларда – Миллий дастур) 1-иловага мувофиқ ҳудудларда босқич-ма-босқич амалиётга жорий этилсин.

3. Миллий дастур доирасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш, даволаш ва шошилиш ҳолатларида тиббий хизмат кўрсатиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тизим жорий қилинсин:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида 30 ёшдан ошган аҳоли ўртасида йилига бир марта мақсадли тиббий текширувлар ўтказилади;

(б) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларида туну кун фаолият юритувчи инфаркт ва инсульт бригадалари фаолияти йўлга қўйилади;

(в) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилиш ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш алгоритмлари амалиётга жорий қилинади;

(г) халқаро стандартлар асосида беморларнинг клиник маршрутлари (clinical pathways) ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади;

(д) тез тиббий ёрдам бригадалари сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш имкониятига эга телеметрик электрокардиограф (кейинги ўринларда – Т-ЭКГ)

ҳамда мониторинг дефибрилляторлар билан таъминланади;

(ж) шифохоналар шошилиш ҳолатларида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларда жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун тромб эритувчи дори воситалари ва сарфлов воситалари билан тўлиқ таъминланади;

(з) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилиш стационар тиббий хизмат кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотлари жалб қилинади;

(и) давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида кўрсатилган шошилиш ва режали тиббий хизматлар белгиланган тартибда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштирилади;

(к) шифохоналарда тиббий хизматлар тасдиқланган ташхислаш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколлар асосида кўрсатилиши устидан назорат Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади;

(л) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларига бириктирилган туман ва шаҳарлардан шошилиш ҳолатларида мурожат қилган беморларга кўрсатилган тиббий хизматлар харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қопланади;

(м) шошилиш тиббий хизмат кўрсатишда белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолларда харажатлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштирилмайди ҳамда хизмат кўрсатувчи тиббиёт ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Миллий дастур доирасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни даволашда тиббий хизматлар халқаро стандартларга мувофиқ вақт меъёрларига қатъий риоя этган ҳолда кўрсатилиши таъминлансин. Бунда:

(а) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларга «олтин соат» таъминоти асосида шошилиш тиббий хизмат кўрсатиш ташкил қилинади;

(б) тез тиббий ёрдам хизмати томонидан кўрсатилган тиббий хизматлар алгоритми ва беморнинг ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи муассасасига бўлган клиник маршрути вақт меъёрлари асосида ташкил қилинади;

(в) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда стационар тиббиёт муассасалари томонидан аҳолини мақсадли тиббий текширувлардан ўтказиш ва беморларнинг клиник маршрутларини ташкил қилишда вақт меъёрлари инобатга олинади.

5. Аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар хавф омиллари, уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш юзасидан қуйидаги тарғибот ишлари тизимли йўлга қўйилсин:

(а) оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда:

(i) «Хозироқ ҳаракатлан – ҳаётни сақлаб қол!» мавзусида ижтимоий роликлар намойиш қилиш;

(ii) инфографика, анимация ва ҳаёти сақлаб қолинган беморлар ҳақидаги қисқа метражли видеороликларни жойлаштириш;

(б) бозор ва савдо марказлари яқинида билборд ва баннерлар ўрнатиш;

(в) таълим ташкилотлари, йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда:

(i) инфаркт ва инсульт аломатларини аниқлаш бўйича тренинглар ташкил этиш;

(ii) маърузалар ва семинарлар ўтказиш;

(iii) «Angels Initiative» халқаро ташаббус ташкилотининг «FAST Heroes» дастури асосида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида ўқувчилар учун машғулотлар ташкил этилиб, уларга инсультнинг дастлабки белгилари ва тез тиббий ёрдамга мурожаат қилиш заруриятини етказиш;

(iv) оилавий шифокорлар ва ҳамширалар иштирокида оммавий чиқишлар ташкил қилиш;

(г) «Дақиқалар ҳаёти ҳал қилади» мавзусида ҳудудларда тематик ҳафталиклар ташкил этиш;

(д) ёшлар ва талабалар ўртасида «Инфарктга қизил карточка» ташаббусини йўлга қўйиш;

(ж) ҳар йили 29 сентябрь – Бутунжаҳон юрак куни ҳамда 29 октябрь – Бутунжаҳон инсультга қарши курашиш куни муносабати билан қон босими, қанд ва холестерин миқдорини ўлчаш, инфаркт ва инсультда тез ёрдам кўрсатиш бўйича аҳолининг саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар ўтказиш.

6. Қуйидагилар:

(а) Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури 2-иловага мувофиқ;

(б) Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш «Йўл харитаси» 3-иловага мувофиқ;

(в) Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастурини 2026 – 2030 йилларда амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2026 йил 1 мартдан бошлаб республика тиббиёт марказлари мутахассислари ҳамда хорижий экспертлардан иборат таркибда ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни даволашда тиббий хизмат кўрсатишни мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Кенгаш) фаолияти йўлга қўйилсин.

8. Белгилансинки, Кенгаш таркиби соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланади ва Кенгашга қуйидаги вазифалар юклатилади:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш бўйича ўтказиладиган мақсадли тиббий текширувларни мувофиқлаштириш ҳамда унинг натижаси асосида беморларни даволаш ишларини ташкил қилиш;

(б) беморларнинг клиник маршрути амалиётга жорий этилишини мувофиқлаштириш ва шошилиш тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларига услубий раҳбарликни амалга ошириш;

(в) Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар миллий реестри юритилишини ҳамда касалланиш динамикасини таҳлил қилиш орқали касалликни барвақт аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш ишларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(г) шошилиш ҳолатларида юрак ва бош мия қон томирлари эндоваскуляр амалиётлари учун сарфлов воситалари, тромб эритувчи дори воситалари ҳамда тиббий жиҳозларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш ва уларни тиббиёт муассасалари ўртасида тақсимлаш.

III. Рақамлаштириш

9. 2026 йил 1 апрелга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

(а) «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган ҳамда хавф гуруҳига мансуб аҳоли-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎТКИР ЮРАК-ҚОН ТОМИР ВА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◀Давоми. Боши 5 –бетда

нинг электрон реестри юритилишини ҳамда индивидуал соғломлаштириш режаси шакллантирилишини таъминласин;

(б) тез тиббий ёрдам хизмати учун ЭКГ натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш ва уни ахборот тизими орқали юбориш ҳамда тез тиббий ёрдам бригадалари ва шифохоналар ўртасида реал вақт режимида маълумот алмашиш имкониятини яратсин;

(в) барча цереброваскуляр касалликларга хизмат кўрсатувчи стационар тиббиёт муассасаларида сунъий интеллект асосида инсультни ташхислаш имкониятини яратсин;

(г) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларни ташхислаш, даволаш, диспансер кузатувида олиш ҳамда йўналтириш жараёнларини ўз ичига олган клиник маршрутни рақамлаштирсин;

(д) тез тиббий ёрдам хизмати, ҳудудий шифохоналар ва республика тиббиёт марказларидан иборат теле-тиббиётнинг вертикал боғланиш тизимини амалиётга жорий этсин.

IV. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2026 йил 1 мартга қадар Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида, 2026 йил 1 сентябрга қадар босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда:

(а) тиббиёт бригадалари оилавий шифокор ҳамда ҳамшираларини – 30 ёшдан ошган аҳолини ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни эрта босқичларда аниқлаш юзасидан мақсадли тиббий текширувлардан ўтказиш ҳамда FAST алгоритми бўйича;

(б) тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини – ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни ташхислаш (инфарктда ЭКГ-телеметрия, инсультда FAST алгоритми ва бошқалар), беморларда тромб эритувчи муолажаларни ўтказиш ҳамда шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича;

(в) туман (шаҳар) марказий шифохоналари, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказлари мутахассисларини – ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларни ташхислаш, шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш ҳамда эрта реабилитация қилиш бўйича;

(г) вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларининг мутахассисларини – ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни ташхислаш, шошилишч ҳолатларда жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, даволаш ҳамда эрта реабилитация қилиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли малака ошириш курсларида ўқитилишини таъминласин.

V. Қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш

11. Белгилаб қўйилсинки, Миллий дастурни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ харажатлар қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 30 ёшдан ошган аҳоли ўртасида йилига бир марта ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш бўйича мақсадли тиббий текширувларни ташкил этиш – Давлат бюджетидан ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан;

(б) аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар хавф омиллари, уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда

соғлом турмуш тарзига риоя қилиш юзасидан тарғибот ишлари – Саломатлик ва стратегик ривожланиш институтига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан;

(в) тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш:

(i) тиббиёт бригадаси ходимлари ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар юзасидан мақсадли тиббий текширувлар ҳамда FAST алгоритми бўйича – тиббиёт олий таълим муассасаларига ажратилган маблағлар ҳисобидан;

(ii) тез тиббий ёрдам хизмати бригадалари ходимлари – Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

(iii) туман (шаҳар) марказий шифохоналари, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказлари ҳамда вилоят ва республика даражасидаги шифохоналар ходимлари – «Angels Initiative» халқаро ташаббус ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ва шифохона маблағлари ҳисобидан.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

(а) Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида Миллий дастурни амалиётга жорий қилиш учун қуйидагиларга Давлат бюджетидан бир ой муддатда маблағ ажратилишини таъминласин:

(i) тромб эритувчи дори воситаларини харид қилиш учун – 5 миллиард сўм;

(ii) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларини бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – 2 миллиард сўм;

(iii) Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилишч ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини стентлаш ва инсультда қон томир жарроҳлиги амалиётлари учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – 14 миллиард сўм;

(б) Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам бригадаларини 5-иловага мувофиқ Т-ЭКГ ускунаси ҳамда мониторинг дефибриллятор билан жиҳозлашга бир ой муддатда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан 22 миллиард сўм йўналтирсин;

(в) 2026 йил 1 июлга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Миллий дастурни жорий қилишга Давлат бюджетидан қуйидаги миқдорларда маблағ ажратсин:

(i) тромб эритувчи дори воситаларини харид қилиш учун – 16 миллиард сўм;

(ii) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларини бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – 7,5 миллиард сўм;

(iii) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилишч ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини стентлаш ва инсультда қон томир жарроҳлиги амалиётлари учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – 82 миллиард сўм;

(iv) тез тиббий ёрдами бригадаларини Т-ЭКГ ҳамда мониторинг дефибриллятор ускуналари билан жиҳозлашга – 135 миллиард сўм;

(г) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетидан инсультни ташхислашда сунъий интеллектдан фойдаланишни ташкил қилиш учун за-

рур маблағлар ажратилишини таъминласин;

(д) 2027 йилдан бошлаб ҳар йили:

(i) Давлат бюджетидан параметрларида Миллий дастурда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун камида 280 миллиард сўм маблағ режалаштирилишини таъминласин;

(ii) Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилишч тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини молиялаштириш учун маблағ ажратсин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

(а) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича халқаро клиник протоколлар, тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутлари ҳамда стандарт операция муолажаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

(б) Миллий дастурни амалиётга жорий қилиш, маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш, хорижий экспертларни жалб қилиш ва ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини доимий баҳолаб бориш бўйича халқаро ҳамкор ташкилотлар ҳамда хорижий тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик дастурларини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

(в) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга стационар тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун қўйиладиган талабларни тасдиқласин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ҳудудий ва республика даражасидаги тиббиёт муассасаларининг беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) туну кун ишлайдиган шошилишч қабул бўлимлари ҳамда тиббиёт муассасасида шошилишч ҳолатларда кўрсатилган тиббий хизматларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштиришни ташкил қилсин;

(д) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг штат меъёрларини тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутлари, ташхислаш ва даволаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяровга Миллий дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2026 йил 20 январь,
ПҚ-20-сон

2025 йил 27 ноябрда қабул қилинган “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА БАЪЗИ ТУРДАГИ ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ, ТАМАКИНИ ВА НИКОТИННИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ МОСЛАМАЛАРИНИНГ МУОМАЛАСИГА ДОИР ТАЛАБЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎРҚ-1098-СОН ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

I. Қонуннинг қабул қилиш зарурияти

Сўнгги йилларда анъанавий тамаки маҳсулотларига муқобил саналган никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, шу жумладан электрон сигареталарнинг республикага кириб келиши, охириги йилларда эса бундай маҳсулотларнинг муомаласи ва уларни чекиш тобора ортиб бормоқда.

2019 йилда аҳоли орасида олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатдики, мамлакатимизнинг 18–69 ёшдаги эркаклари орасида электрон сигареталарни чекиш 0,4 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 18–29 ёшдаги эркаклар орасида икки марта кўп (0,9 фоиз) бўлган.

2021 йилда мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган сўровда 13–15 ёшдаги ўсмирларнинг 0,7 фоизи – ўғил болаларнинг 1,1 фоизи, қизларнинг 0,3 фоизи электрон сигарета чекиш аниқланди. Бунда ўғил болаларнинг 2,9 фоизи, қизларнинг 1,0 фоизи қачонлардир электрон сигарета чекканликларини айтганлар.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармасининг маълумотларига кўра, мактаб ва жамоат жойларида ўтказилган рейдлар давомида мактаб ўқувчиларининг ёнларидан тамаки маҳсулотлари 2019 йилда 110 та, 2020 йилда 242 та, 2021 йилда 336 та, 2022 йилнинг биринчи ярмида 220 та ҳолатда аниқланган ва ҳар йили 1,4–2,2 марта ошган. Электрон сигареталар вояга етмаганлар ёнidan барча топилган тамаки маҳсулотларининг ўртача 8 фоизини ташкил этган (оддий сигареталар бўйича ҳам шундай кўрсаткич қайд этилган).

Электрон сигареталарнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири. Электрон сигареталар – кўп ва бир марта ишлатиладиган мосламалар бўлиб, улар электр токи ёрдамида никотинли ва никотинсиз суюқликларни қиздиради ҳамда чекувчи нафас оладиган тутунни ҳосил қилади.

Электрон сигареталар суюқликлари таркибида никотин миқдори бир миллилитрда 0 миллиграммдан 66 миллиграммгача ва ундан юқори бўлиши, яъни никотин миқдори оддий сигаретадан камида 66 мартагача кўпроқ бўлиши мумкин ёки 3 та қути сигаретадаги никотин миқдорига тенг.

Суюқликлар таркибида никотин, пропиленгликоль, одатда, глицерин, ароматизаторлар, канцерогенлар (рак чақирувчи) ва бошқа кимёвий бирикмалар мавжуд бўлиб, улар инсон соғлиғига ва атроф–муҳитга жиддий зиён етказиши мумкин.

Электрон сигареталар суюқликларидан никотин моддасидан ташқари канцероген, захарли бўлган 80 хил кимёвий бирикмалар ва оғир металллар мавжудлиги инсон соғлиғига ва атроф–муҳитга жиддий зиён кўрсатади.

Хусусан, организмда никотинга қарамлиқ ривожланиши билан бирга:

болалар ва ўсмирларда мия шаклла-

нишига, интеллект, билим ва қобилиятнинг пасайишига, рухий агрессивлик ривожланишига;

бронх–ўпка тизимида яллиғланиш (астма, бронхит, пневмония), “бодроксимон ўпка” касаллигини келтириб чиқаришига;

марказий нерв тизими, ошқозон–ичак тракти, буйрак ва жигар функциясининг бузилиши, шунингдек, гипертания, инсульт, инфаркт каби юрак–қон томир касалликлари ривожланишига;

кимёвий бирикма ва моддалар организмга мутаген таъсир қилиб, ДНК структурасини жароҳатлаши, иммунитетни, аёллар репродуктивлигининг пасайишига, ҳомиланинг ирсий ногиронлиги ёки ўлимига олиб келишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўпчилик замонавий электрон сигареталар азрозолига кучли ва ёғли сариёғ, сметана ҳидини таратувчи диацетил моддаси қўшилади. Бу модда нафас олганда ўпканинг майда ғовак тўқимасини – бронхиолаларининг беркилишини келтириб чиқаради. Тиббиёт амалиётида бундай ҳолат облитерацияловчи бронхиолит (“бодроксимон ўпка” касаллиги) деб аталади.

АҚШда электрон сигареталарни чекиш натижасида жиддий ўпка жароҳатлари (EVALI) 68 нафар инсоннинг ўлимига, 2807 нафар ёшларнинг оғир ҳолатда касалхонага ётқизишига олиб келди. Улар тақиқланган ва тақиқланмаган моддалар қўшилган никотинли суюқликларни чекишган. Шу каби ҳолатилар Исроилда, МДХ мамлакатларида ҳам қайд этилмоқда.

Электрон сигарета чекадиганларда қарамлик одатдаги сигарета чекувчиларга нисбатан тезроқ ривожланади. Ҳам тамаки, ҳам электрон сигарета чекувчи (қўшма чекиш) мактаб ўқувчиларининг 64 фоизидан зиёдроғида никотинга қарамликнинг белгилари кўпроқ намоён бўлган.

Аралаш чекиш. Кўпинча электрон сигареталар оддий тамаки ўрнини босувчи сифатида эмас, балки уларга қўшимча сифатида чекилади. Кўпчилик чекувчилар бир вақтда ўзида ёки навбатма–навбат ҳам электрон сигарета, ҳам оддий тамаки чекадилар. Бундай аралаш чекиш нафас олиш аъзолари ва юрак–томир касалликлари хавфини кескин ошириб юборади. Хусусан, аралаш чекиш ўпка раки ривожланиш хавфини 4 марта, юрак–томир касалликлари ривожланиш хавфини 2,5 марта оширади. Бундан ташқари, аралаш чекадиганларда нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари, уйқусизлик, ваҳима ва тушқунлик (депрессия) ривожланиш хавфи кескин ошади.

Бундан ташқари, электрон сигарета чекадиганларда оддий тамаки чекадиганларга нисбатан никотинга қарамлик тезроқ ривожланади. Аралаш чекадиган мактаб ўқувчиларининг 64 фоизидан зиёдроғида никотинга қарамликнинг белгилари кўпроқ намоён бўлган.

Болалар ва ўсмирларни қарамликка жалб қилиш воситаси. Электрон

сигареталарда ишлатиладиган ароматизаторларнинг (хушбўй хид ва хушбўй таъм берувчи) сони 7 500дан ортиқ. Баъзи бир бозорларда 16 000 та бетакрор таъмларни топса бўлади, уларнинг кўпчилиги болаларга ёқади.

Ушбу ароматизаторлар никотиннинг аччиқ ва ёқимсиз таъми ва ҳидини яширади, ёшларни электрон сигареталарни биринчи марта татиб кўриш ҳақидаги қарорида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган электрон сигареталар чекишни ёқимлироқ қилади, уларни чекишнинг зарарини сездирмайди.

Тадқиқотлар шуни аниқ кўрсатмоқдаки, нафас билан ютиладиган азрозоли таъми ўсмирларнинг электрон сигареталарни танлашида асосий омил бўлмоқда. Бунда ўсмирлар кўпроқ конфета (ширин таъмлар), ментол, олча таъмли электрон сигареталарни афзал кўрмоқда.

Америка Қўшма Штатларида олиб борилган тадқиқотлар ароматизаторларнинг болалар ва ўсмирлар томонидан электрон сигареталар чекишда муҳим роль ўйнашини кўрсатди:

– 2011 йилдан бери электрон сигареталарнинг Америка Қўшма Штатларидаги юқори синф ўқувчилари орасида чекиш 1,5 фоиздан 2020 йилда 19,6 фоизгача ошган. Сўнгги пайтларда унинг тарқалганлиги камайган бўлса–да, кўрсаткичлар аввалгидек таъшишларни даражада юқори бўлиб қолмоқда.

– 2014–2020 йиллар даврида хушбўйлаштирилган электрон сигареталарни афзал кўрадиган электрон сигареталар чекаётганларнинг улуши 65,1 фоиздан 84,7 фоизгача ошган.

– ҳозирги пайтда ҳар қандай турдаги хушбўйлаштирилган электрон сигареталарни чекаётган юқори синф ўқувчилари орасида энг кенг тарқалган ароматизаторлар мева (73%), ялпиз (56%), ментол (37%), шунингдек десертлар ёки бошқа ширинликлардир (37%).

– ҳозирги пайтда электрон сигареталар чекаётган ёшларнинг (12 дан 17 ёшгача) 70–80 фоизи “электрон сигареталар мазали бўлгани учун” уларни чекишини айтган.

Алдайдиган дизайн: электрон сигареталар кундалик ишлатиладиган буюмлар, масалан, болалар мультфильмларидаги суратлар туширилган ручкалар, USB–флэшкалар, конфетлар, ширинликлар шаклида бўлиши мумкин, бу табиий равишда болаларни жалб этади. Бундай маркетинг ёндашуви электрон сигареталардан мактабларда, кўчада, уйда яширинча чекишимконини беради, оқибатда ота–оналар ва ўқитувчилар бола зарарли маҳсулотни истеъмол қилаётганидан шубҳа қилмайди.

Электрон сигареталарни чекувчи болалар ва ўсмирлар кейинчалик чекмайдиганларга нисбатан уч марта кўп оддий сигарета чекишга ўтадилар. Бу эса келажак авлод саломатлигига ва миллат генофондига салбий таъсир кўрсатади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг позицияси. ЖССТнинг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадди конвен-

цияси Еттинчи Томонлар конференциясининг (FCTC/COP/7/9, 12 ноябрь 2016 й.) қарорида Томонларга миллий қонунчилик ва аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда электрон сигареталар муомаласини тартибга солиш, мисол учун, ишлаб чиқаришни, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, сотиш ва чекишни тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилган.

2023 декабрь ойида ЖССТ электрон сигареталарга нисбатан ҳаракатлар чақириғини чоп этди. Бунда болаларни ва чекмайдиган аҳолини ҳимоя қилиш, аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадида электрон сигареталар чекишни олдини олиш бўйича қатъий чораларни кўриш зарурлигини алоҳида қайд этиб, 2016 йилда қабул қилинган қарорини яна бир бор тасдиқлади.

Халқаро тажриба. Дунё мамлакатларида электрон сигареталар муомаласини тартибга солишда ҳукукий жиҳатдан турли ёндашилади. Бунинг натижасини қуйидаги давлатлар мисолида кўриш мумкин.

Бразилияда электрон сигареталар сотиш қонун билан тақиқланган. Корея Республикасида электрон сигареталар сотишга қонунчиликда рухсат берилган бўлиб, тамаки маҳсулотларига белгиланган чекловлар электрон сигареталарга ҳам таллуқли. Буюк Британия қонунчилигида электрон сигареталар истеъмол маҳсулоти сифатида тавсифланади ва чекувчиларга чекишни ташлашлари учун электрон сигареталар чекиш тавсия этилади.

Бунинг натижасида, катта ёшдаги (18 ва ундан катта ёшдагилар) электрон сигареталарни ҳар куни чекадиган аҳоли улуши Бразилияда 0,4 фоизни, Корея Республикаси 2,8 фоизни ва Буюк Британия 9,4 фоизни ташкил этган. Демак, электрон сигареталар айланмасини қатъий тартибга солиш уларни юмшоқроқ тартибга солишга қараганда анча самарали бўлиб ҳисобланади.

Дунёнинг 37 мамлақатида электрон сигареталарнинг муомаласи тақиқланган, шу жумладан Аргентина, Бразилия, Корея Халқ Демократик Республикаси, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Норвегия, Сингапур, Туркия, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон. Шунингдек Бельгия, Буюк Британияда бир марталик электрон сигареталарни сотиш тақиқланган.

Агар бизнинг мамлакатимизда ҳам электрон сигареталарни чекишга қарши кескин чоралар кўрилмас экан, бундай маҳсулотларни чекувчи ёшлар кейинчалик уч марта кўп оддий сигарета чекишга ўтадилар.

II. Қонуннинг мақсад ва вазифалари

Қонуннинг мақсади ва вазифаси болалар ва ўсмирларни, келажак авлодни, миллат генофондини, атроф–муҳитни янги тамаки ва никотин маҳсулотларидан ҳимоя қилиш ҳамда бунинг учун ҳукукий асосларни яратишдан иборат.

■Марказлар фаолияти

ЕТАКЧИ ЭНДОКРИНОЛОГИЯ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ БЎЛАДИ

Бугунги шиддатли давр аҳолига кўрсатилаётган эндокринология хизматини халқаро андозалар даражасига олиб чиқиш, ушбу касалликлар ва уларнинг профилактикаси ҳамда диагностикасини изчил йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Ўтган йили бу борада яхши натижаларга эришдик. Биргина марказнинг ўзида 36 тур ташхислаш ва даволаш усули ўзлаштирилган бўлса, филиалларда 66 хилдаги диагностика, 45 турдаги даволаш усули йўлга қўйилди. Туманларда 45 хил диагностика ва 42 турдаги даволаш усуллари ўзлаштирилди.

2025 йилда муассасамизда 1400 дан зиёд жарроҳлик амалиёти бажарилди. Марказимизда 3200 нафардан зиёд 23 давлат фуқаролари даволанган. Телетиббидиёт ёрдамида маҳаллий шифокор ва беморлар билан 500 га яқин маслаҳатлашув ўтказилган.

Шунингдек, марказ томонидан эндокрин касалликларни бошқаришда 6 та асосий нозология (қандли диабет, семизлик, қалқонсимон без касалликлари, остеопороз, метаболик синдром, эндокрин гипертензия) бўйича бемор маршрутизациясининг ягона концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Унинг доирасида 7810 нафар оилавий шифокор, 10 минг 860 нафардан зиёд патронаж ҳамшира, 560 нафарга яқин эндокринолог махсус семинар-тренингларда катнашиб, сертификатларга эга бўлди.

Шу каби саъй-ҳаракатлар боис дастлаб марказимиз ISO 9001: 2015 мувофиқлик сертификатини олган бўлса, ўтган йили Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Наманган филиалларимизга ана шундай сертификатлар топширилди.

Жорий йилдаги мақсадларимиз янада залворли. Республика бўйича бирламчи бўғинда эндокрин касалликларни эрта аниқлаш, тўғри маршрутизация қилиш ва асоратлари олдини олиш кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

Йил давомида юртимиз бўйича 35 ёшдан ошган 8 млн. нафар аҳоли диабет ва диабетолди ҳолати бўйича скринингдан ўтказилади. 45 ёшдан ошган аёллар орасида менопауза билан боғлиқ эндокрин касалликлар бўйича тизим яратилади. Унинг доирасида оилавий шифокор ва доялар учун ўқув дастурлари, бемор аёллар учун қўлланмалар ишлаб чиқилади.

Мамлакат бўйлаб йод танқислигининг эпидемиологик мониторингини ўтказиш бу йилдаги энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Айни пайтда барча ҳудудларда янги 4 та диагностика ва 2 та даволаш усулини

жорий қилиш ҳаракатидамиз.

Йил давомида марказимиз ва филиаллар фаолиятига сунъий интеллект, илғор рақамли технологияларни кенг татбиқ этамиз. Бу билан тиббий хизмат сифатини ошириш, бошқарув қарорларини тезкор ва аниқ қабул қилиш, тиббидиёт ходимлари иш самарадорлигини оширишни кўзлаганмиз.

Муассаса клиникаси ва филиаллари мизда “Рақамли ситуацион марказ”лар ташкил этилади.

Қолаверса, жорий йил январь ойида марказимизда 2 та тиббий қурилма сунъий интеллект ёрдамида дастурлаштирилганини айтиш зарур. Бу эса яқин орада тиббий қурилмалар олаётган маълумотларни автоматик таҳлил қилиш, инсон омили билан боғлиқ хатоларни камайтириш, шифокорлар ташхис қўйишга сарфлайдиган вақтни қисқартириш ҳамда бемор билан тўғридан тўғри мулоқот учун ажратилдиган вақтни оширишга олиб келади.

Қуйидаги натижалар ҳам қутилмоқда: марказ ва филиалларда рақамли бошқарувнинг ягона тизими шаклланади; сунъий интеллект фаолиятимизнинг муҳим қисмига айланади; тиббий хизмат сифати янада оширилади;

эндокринологик ёрдам, скрининг текширувлари янада тезкор, аниқ ва самарали бўлади;

“Маҳалла – тиббидиёт – рақамли технология” интеграцияси йўлга қўйилади.

Умуман, бу йил олдимизда шу каби қа-



тор долзарб вазифалар турибди. Уларни ҳам муваффақият билан бажариб, соҳани халққа яқинлаштириш, ихтисослашган тиббий хизматни куйигача тушириш, пировардида аҳолини тиббидиётдан рози қилиш, шу орқали муассасамизни минтақадаги етакчи эндокринология марказларидан бирига айлантириш асосий мақсадимиздир. Бунга жамоамиз салоҳияти ҳам, Президентимиз томонидан яратиб берилган шароитлар ҳам етарли.

Анвар АЛИМОВ,
Академик Ё. Тўрақулов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
эндокринология илмий-амалий
тиббидиёт маркази директори.

АЛЛЕРГОЛОГИЯ МАРКАЗИ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТГА АЪЗО БЎЛИШ ҲАРАКАТИДА

ACARE (Angioedema Centers of Reference and Excellence) наслий ангионевротик шиш касаллигини ташхислаш ва даволаш бўйича халқаро аккредитацияланган марказлар тармоғи ҳисобланади. Ушбу ташкилотга аъзо бўлиш орқали мамлакатларда беморларни қўллаб-қувватлаш тизими ривожлантирилади. Яъни улар дастур доирасида юқори технологик текширувлар, бепул дори-дармонлар билан таъминланади. Бу йўналишда маҳаллий мутахассислар илғор хорижий давлатларда тайёрланиб, тиббий хизмат сифати оширилади.

Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббидиёт маркази айни пайтда мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлиш учун амалий саъй-ҳаракатларни бошлаб юборган.

Хўш, бунга қандай зарурат бор?

Наслий ангионевротик шиш — кам учрайдиган касаллик. Бу патология ҳар 10-50 минг кишидан бирида аниқланади. Бироқ, таҳлилларга кўра, бундай беморларнинг катта қисми ҳаётдан кўз юмади. Шу боис у орфан хасталиклар гуруҳига киритилган. Бу касаллик кўпинча болалик даврида бошланади. У қанча эрта ривожланса, асоратлар шунча оғир ўтиши мумкин. Хасталик ирсий дейилишининг боиси эса ота ёки онада бундай патология мавжуд бўлса, 50 фоиз ҳолатда фарзандига ўтади.

Касаллик жигарда ишлаб чиқариладиган С-1 ингибиторининг етишмовчилиги ёки фаоллиги пасайиши натижасида келиб чиқади. Қондаги комплементлар эрта активлашиб, брадикинин микдори ошиб кетиши оғир ўтувчи ҳамда узоқ сақланувчи шишлар пайдо бўлишига олиб келади.

Шишлар асосан қўл-оёқ, юз, томоқ соҳаси ва қорин бўшлиғида юзага келади. Ҳақиқатдан ҳам давомий шишиши беморлар ўлимига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Бора-бора қорин соҳасидаги оғриқлар кучайиб, чидаб бўлмас даражага етади. Кўнгил айнаши ва қайт қилиш хуружлари зўраяди. Оқибатда бемор тезкор госпитализацияга муҳтож бўлади.

Инфекциялар ва жароҳатларга қарши фаол кураш, жарроҳлик операцияларидан сўнг ёки стресс пайтида организм томонидан С-1 ингибиторининг ҳаддан зиёд кўп ишлатилиши ҳам хасталик омили бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, тиббий амалиётда қон босими қарши қўлланилган дори воситалари наслий ангионев-



ротик шишни келтириб чиқариши аниқланган.

Афсуски, дунё тиббий амалиётида бу камёб касаллик бўлганлиги сабабли хирург ёки гинеколог томонидан янгилиш диагноз билан беморларни жарроҳлик столига ётқизиш ҳамда нотўғри муолажа қилиш ҳолатлари учраб туради. Айни сабабдан юқоридаги аломатлар кузатилган беморлар дарҳол аллерголог-иммунолог шифокорга мурожаат қилишлари лозим. Чунки наслий ангионевротик шиш ташхисини тасдиқлаш учун биокимёвий маркер-



лар ҳамда генетик тестларни ўз ичига олган лаборатория текширувлари талаб этилади. Хасталикни даволаш жараёни ҳам, албатта, аллерголог-иммунолог шифокор назорати остида амалга оширилиши шарт.

Наслий ангионевротик шиш муолажаси уч босқични ўз ичига олади. Дастлабки босқич касаллик хуружини бартараф этишга қаратилса, қолган икки босқич қисқа ва узоқ муддатли профилактикадан иборат бўлади.

Айни пайтда марказимиз ACARE халқаро ташкилотига аъзо бўлиб, наслий ангиодема бўйича халқаро стандартлар асосида фаолият олиб боровчи юртимиздаги биринчи муассасага айланишни мақсад қилган. Бундай кенг қўламли ҳамкорлик келгусида Ўзбекистонда наслий ангионевротик шишдан азият чекувчи беморларнинг ҳаёт сифати ва уларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражаси янада яхшиланишига хизмат қилади.

Илмира РАЗИКОВА,
Республика ихтисослаштирилган
аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббидиёт маркази директори.

РОБОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ТОТАЛ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИ БАЖАРИЛДИ

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида замон билан ҳамнафас бўлаётган тиббиёт янгиликларининг, қолаверса, янгича услубларнинг жорий этилаётганлиги халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошираётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Жумладан, ўта мураккаб операцияларнинг мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида тажрибали тиббиёт ходимлари ҳамда замонавий тиббий аппаратуралар ёрдамида муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, шунингдек, тўғри ташхис орқали даво муолажаларининг олиб борилаётганлиги, бу албатта, юртимиз тиббиётининг жаҳонҳамжамиятдаги ўрнини белгилаб бермоқда. Ўйинса, мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида роботлаштирилган технологияларнинг жорий этилиши ҳам тиббиётнинг ҳар бир йўналиши учун янги босқич ҳисобланади. Шундай экан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказимизда Қозғистон Республикаси Астана шаҳридаги Н. Батпенонмидаги травматология ва ортопедия Миллий илмий маркази шифокорлари билан ҳамкорликда, роботлаштирилган навигацион тизимни қўллаш асосида тизза ва чанок-сон бўғимларини умумий эндопротезлаш бўйича ташрифлар илк бор ўтказилди.

Албатта, роботлаштирилган технологияларни жорий этилиши эндопротезлаш эволюциясида янги босқич ҳисобланади. Мазкур технология жарроҳ тажрибаси-

лаштирилган навигацияни қўлланилиши инсон омили билан боғлиқ хатолар хавфини камайтиради ва натижаларнинг қайта намоиш қилинишини таъминлайди, бу нарса эса мураккаб деформацияларда ва тафтишли аралашувларда алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Роботлаштирилган эндопротезлашнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

– Имплант позицияланишининг мак-



лия, Ҳиндистон, Беларусь каби илғор давлатлардан марказга ташриф буюрган 120 нафарга яқин хорижий мутахассислар кўмағида янги даволаш усуллари йўлга қўйилди. Ўз навбатида, муассасамизнинг 47 нафар ходими ўтган йили Ҳиндистон, Италия, Россия, Хитой, Польша, Жанубий Корея давлатларининг етакчи клиникаларида малака ошириб қайтди. Шу тариқа кўкрак қафаси тугма деформацияси – Поланд синдроми-ни хирургик усулда муолажа қилишга киришилди. **Чанок-сон бўғимини 3D Logeeks импланти ёрдамида ревизион эндопротезлаш** йўлга қўйилди. Болдир ва тизза деформацияларини аппарат ёрдамида коррекция қилиш, елка ва тизза бўғими патологияларини артроскопик усулда даволашга эришилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ихтисослашган тиббий хизматни туманлар даражасига тушириш масаласи ҳам алоҳида эътиборимизда. Сўнгги бир йил ичида 58 та туман ва шаҳарда чанок-сон ва тизза бўғимларини тотал, чанок-сон бўғимини 3D Logeeks импланти ва JRI эндопротези ёрдамида эндопротезлаш амалиётга татбиқ этилди. Худудий филиалларимизда ҳам кўплаб шу сингари янги диагностика ва муолажа усуллари ўзлаштирилди. Умуман, вилоятлар ва туман (шаҳар) шифохоналарида янги даволаш ҳамда диагностика усуллари амалиётга татбиқ этилиши натижасида марказга мурожаатлар 2 баробар камайди. Шу билан бирга, муассасамизда 2025 йилда 60 та давлатдан ташриф буюрган 2823 нафар чет эл фуқароси даволангани тиббий туризмни янада ривожлантириш имконини берди. Бу йилги режаларимиз ҳам катта. Марказ ва унинг худудий филиалларида сунъий интеллект асосида ишловчи диагностика технологияларини жорий қилиш, мутахассисларимизни нуфузли хорижий клиникаларга робот технологиялари бўйича малака оширишга юбориш, юқори технологик муолажа усуллари туманлар даражасида кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Муроджон ИРИСМЕТОВ.
Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори.



ни роботнинг рақамли аниқлиги билан бириктириш имконини бериб, якунида натижанинг башоратланишини ва узок муддатлилигини оширади. Роботлаштирилган технология жарроҳлик аралашувларнинг аниқлигини ва хавфсизлигини ошириш учун янги имкониятларни очиб бериб, юқори технологик ортопедик ёрдамнинг ривожланишидаги муҳим босқичга айланди. Роботлаштирилган тизим жарроҳга ҳақиқий вақт режимида бемор анатомиясини моделлаштириш, суяклар резекциясининг ҳажмини ва йўналишини миллиметрча бўлган аниқлик билан режалаштириш, шунингдек, эндопротез қисмларини бўғимнинг яқка тартибдаги биомеханик параметрларига мос равишда позицияланишини назорат қилиш имконини беради. Робот-

симал даражадаги аниқлиги барвақт эскириш ва беқарорлик хавфини камайтириш;

– Қон йўқотишини ва ташриф жароҳатчанлигини қисқартириш;

– Оғриқ синдромини камайтириш ва реабилитацияни тезлаштириш;

– Асоратлар, шу жумладан, суяк чиқишлари, инфекция ва механик муаммолар хавфини минималлаштириш;

– Жарроҳлик тактикасини муайян бемор анатомияси учун яқка тартибда мослаштириш.

Робот суяк резекциясини қатъий виртуал (шартли) режа доирасида, 0,5 мм-гача бўлган аниқлик билан бажаради.

Тизим ташриф давомида жарроҳлик асбоблари ва бўғим қисмлари ҳолатини беморнинг анатомик ориентирларига

нисбатан кузатиб туради. Ҳақиқий вақт режимида оёқ биомеханикаси тўғриланади, шу жумладан, бўғим ўқи, узунлиги ва барқарорлиги қайта тикланади, шунингдек, юмшоқ тўқималарнинг оптимал мувозанатига эришиш имкони яратилади. Тизим тактил (сезиларли) тескари алоқага эга бўлиб (haptic feedback), у асбоб ҳаракатланишини чеклаш орқали ортиқча суяк қисмини олиб ташланишини ёки юмшоқ тўқималарнинг шикастланишини бартараф этади. Жарроҳ тўғридан бошқарувда қолади, робот эса аниқликни ва хавфсизликни таъминлайди.

Шу ўринда таъкидлашим жоизки, ЖССТ маълумотида кўра, ҳозир дунёда таянч-ҳаракат тизими хастликларидан азият чекаётган 1,7 миллиард нафардан зиёд киши яшайди. Ачинарлиси, бундай касалликлар ногиронликни келтириб чиқарувчи омилар орасида ҳамон етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Марказимизда шу каби патологиялар юқори технологик муолажа усуллари ёрдамида самарали даволанмоқда. Албатта, 2025 йилда салмоқли натижаларга эришдик. Хусусан, ўтган йили фаолиятимизда 29 та янги даволаш усули жорий этилди. Илк бор тизза ва чанок-сон бўғимларини **“Mako Stryker” робот техникаси** ёрдамида тотал эндопротезлаш амалиёти бажарилди. Умurtқа поғонаси касалликларидан ҳисобланган яхши сифатли ўсмалар, умurtқа каналининг стенозлари, диск чурралари, спондилолистезларни эндоскопик усулда муолажа қилиш ўзлаштирилди. АҚШ, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Туркия, Германия, Ита-

2025 йил 27 ноябрда қабул қилинган “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҚУЖЖАТЛАРИГА БАЪЗИ ТУРДАГИ ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ, ТАМАКИНИ ВА НИКОТИННИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ МОСЛАМАЛАРИНИНГ МУОМАЛАСИГА ДОИР ТАЛАБЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎРҚ-1098-СОН ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

◀**Давоми. Боши 7– бетда**

III. Қонун мазмунининг тавсифи

Қонун билан никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталар ва улар учун суюқликларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тақиқланди.

Бу қондани бузган, шу жумладан муомаласи(ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек мамлакатга олиб кириш, мамлакатдан олиб чиқиш) тақиқланган чекилмайдиған (тутунсиз) тамаки маҳсулотларини (носвойдан ташқари) муомалага киритадиганлар учун:

• ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) бир бараваридан (412 минг сўм) 200 бараваригача (82 млн 400 минг сўм) миқдорда маъмурий жавобгарлик;

• БХМнинг 200 бараваридан (82 млн 400 минг сўм) 600 бараваригача (247 млн 200 минг сўм) миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатишишлари ёки 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 12 йилгача озодликдан маҳрум этиш жиноий жавобгарлик белгиланди.

Агар шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилган ва муомаласи тақиқланган маҳсулотларни топишган тақдирда, мазкур шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Яна бир янгилик шуки, тамакини қиздириш тизимларини (оддий тамаки

маҳсулотлари сингари) қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш:

• ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, БХМнинг 50 бараваридан(20 млн 600 минг сўм)100 бараваригача (41 млн 200 минг сўм) миқдорда маъмурий жавобгарликлар;

• БХМнинг 200 бараваридан (82 млн 400 минг сўм)400 бараваригача (164 млн 800 минг сўм)миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатишишлари ёки 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш жиноий жавобгарликлар белгиланди.

IV. Қонунни қабул қилишдан кутилаётган натижалар

Қонуннинг қабул қилиниши: болалар ва ўсмирлар орасида электрон сигареталарни чекиш даражаси камаяди ва вақт ўтиб эса катталар орасида

тамаки чекиш даражаси камийишига; маиший чикиндилар атроф–муҳит учун зарарли бўлган электрон сигареталар (пластмасса, батарейка) ва улар билан фойдаланиш учун мўлжалланган суюқликлардан (яъни захарли кимёвий бирикмалар) ҳимоя қилишга;

Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари” ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичга эришишга, яъни аҳоли орасида асосий юқумли бўлмаган касалликлардан (юррак–томир, нафас олиш аъзолари ва рак касалликлари) барвақт ўлимни камайишига;

келажак авлоднинг соғлиғи мустаҳкамланади, миллат генофонди соғлом бўлишига хизмат қилади.

Қонун жорий йилнинг 1 март кунидан бошлаб кучга киради.

■Электрон сигареталар ҳақида тушунча

ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКИШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Электрон сигареталар нима?

Электрон сигареталар – кўп ва бир марта ишлатиладиган мосламалар бўлиб, улар электр токи (аккумулятор) ёрдамида никотинли суюқликларни(картрижларда, резервуарларда ва бошқа контейнерларда) киздиради ҳамда истеъмолчи нафас оладиган аэрозолни (буғни, тутунни) ҳосил қилади.Электрон сигареталарни вейп, электрон сигара, электрон чилим, деб ҳам аталади.[1]

Никотинли суюқликлар

Электрон сигареталар суюқликлари таркибида никотин миқдори бир миллилитрда 0 миллиграммдан 66 миллиграммгача ва ундан юқори бўлиши, яъни одатий сигаретадан камида 66 мартагача кўпроқ бўлиши мумкин. Чекувчининг организмига таъсир қиладиган никотин миқдори, унинг концентрациясидан ташқари бир неча омилга боғлиқ. Мослама ишлаб чиқарадиган электр қуввати, тортиш усули, чекувчи томонидан суюқликка турли қўшимчаларни қўшиш никотин миқдорини ошириши мумкин.[2]

Никотин – одамларда жисмоний ва руҳий қарамликни чақиради. Озгина миқдорда бўшашиш ва яхши кайфият ҳиссини туғдиради, катта миқдорда эса юракка ва марказий асаб тизимга тез таъсир қилувчи захар бўлиб ҳисобланади.

Никотин тамаки таркибидаги асосий наркотик кимёвий

модда бўлсада, у турли замонавий сигареталар тузилмаларининг ўзига хос хусусиятлари туфайли қарамлик ривожланиш хавфини орттиради. Бу хавф кокаин, героин, алкоголь ва каннабис келтириб чиқарадиган хавфдан ҳам юқори.

Суюқликларда никотин миқдори турлича бўлишидан ташқари, уларнинг таркибида кўпинча ароматизаторлар, сув, пропиленгликоль, одатда, глицерин ва бошқа бирикмалар мавжуд. Бундан ташқари, бу моддалар буғланиш жараёнида турли бирикмаларни ҳосил қилади ва уларнинг баъзи бирлари захарли ҳисобланади. Мисол учун, формальдегид – канцероген (саратон касаллигини ривожлантирувчи) бўлиб ҳисобланади.[3]

Кўпчилик ароматизаторлар аэрозолларнинг захарлилик хусусиятини кучайтиради. Қолаверса, ароматизаторлар, глицерин ва пропиленгликоль пиролизда электрон сигареталар аэрозолида ароматик альдегидлар ҳосил бўлади. Масалан, ванилин ва долчин каби ароматик альдегидлар аэрозолларнинг захарлилигини оширади.

Джон Хопкинс Университети олимлари электрон сигареталар аэрозоли таркибида ишлаб чиқарувчилар кўрсатмаган минглаб кимёвий моддаларни аниқладилар. Бунда олимлар гуруҳи 2000 га яқин тавсифланмаган ва соғлиққа таъсири ўрганилмаган кимёвий моддалар аниқлаганлар, уларнинг олтитаси соғлиқ учун зарарли, шу жумладан учтаси

олдин электрон сигареталарда топилмаган. Нафас йўларини қўзғатувчи ва захарли таъсир кўрсатиш мумкин бўлган учта ишлаб чиқариш кимёвий моддасининг биттаси пестицид ва иккитаси ароматизатор эканлиги аниқланган.

Электрон сигареталар чекишнинг таъсири

Чекадиган болалар ва ўсмирларнинг мия ривожланишига ҳалокатли таъсир кўрсатади, мия ривожланиши учун узоқ муддатли оқибатларни келтириб чиқаради, хотира, билим олиш қобилиятининг пасайишига ва жиззакилик ривожланишига сабаб бўлади. [2] Никотиннинг ҳомиладор аёлларга таъсири ҳомила бош миясида худди шундай бузилишларга олиб келиши мумкин.

Кўпчилик замонавий электрон сигареталар аэрозолига кучли ва ёғли сарийё, сметана ҳидини таратувчи диацетил моддаси қўшилади. Бу модда нафас олганда ўпканинг майда ғовак тўқимасини – бронхиолаларининг беркилишини келтириб чиқаради. Тиббиёт амалиётида бундай ҳолат облитерацияловчи бронхиолит (“бодроксимон ўпка” касаллиги) деб аталади.[2]

АҚШда электрон сигареталарни чекиш натижасида жиддий ўпка жароҳатлари (EVALI) 68 нафар инсоннинг ўлимига, 2807 нафар ёшларнинг оғир ҳолатда касалхонага ётқилишига олиб келди. Улар тақиқланган ва тақиқланмаган моддалар қўшилган никотин-



ли суюқликларни истеъмол қилишган.[4] Бундан ташқари, Россияда ҳам икки киши (17 ёшли йигит ва 20 ёшли киз) электрон сигареталар учун муайян моддалар қўшилган суюқликлардан фойдалангани учун реанимация бўлимига тушган, яъни шу каби ҳолатларнинг МДХ мамлакатларида ҳам қайд этилмоқда.[5]

Бу ҳолатларнинг сабаби охиригача аниқланмаган бўлсада, таркибида кенг қўлланиладиган каннабис бўлган витамин Е ацетати ўпкани жароҳатлашда етакчи роль ўйнайди, деб ҳисобланади.[6] Шу боис, Канада, Буюк Британия, Шимолий Ирландия (Бирлашган Қироллик) ва АҚШнинг баъзи бир штатларида ушбу қўшимчани қўллаш тақиқланган.[7,8]

Электрон сигаретадаги аэрозоль:

• ўпка тўқимасининг турли ҳужайраларига, шу жумладан соғлом ўпканинг нормал функциясини ҳимоя қиладиган

ҳужайраларга салбий таъсир кўрсатади.

• ўпкаданинг баъзи бир имунитет ҳужайраларига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, ўпканинг инфекция билан қурашиши қобилиятини пасайтиради.

• нафас олиш аъзоларига салбий таъсири астма ва ўпканинг сурункали обструктив касалликлари билан боғлиқ;

• юрак-томир тизимида, шу жумладан юрак уриши частотаси ва қон босимида салбий таъсир кўрсатади. Ҳар куни электрон сигарета чекиш миқоридан инфарктнинг ривожланиши хавфини кескин оширади. [9,10,11]

Аралаш чекиш

Электрон сигареталардан кўпинча сигареталар ўрнини босувчи эмас, балки уларга қўшимча сифатида чекилади. Аксарият чекувчилар электрон сигареталарни ҳам, одатий сигареталарни ҳам чекадилар.

Давоми 11– бетда▶

ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКИШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

◀Давоми. Боши 10– бетда

Бундай чекиш модели аралаш чекиш деб аталади. Бунда фақат электрон сигареталар ёки фақат одатий сигареталар чекишга қараганда янада зарарлироқ. АҚШда катта ёшдаги электрон сигарета чекувчиларнинг 70 фоизи ҳозирги кунда одатий сигарета чекадилар. Аралаш чекиш битта махсулот чекилгандагига нисбатан нафас олиш тизими ва юрак-томир касалликлари ривожланиш хавфини кескин ошириб юборади.[12]

Генофондга зарари

Тамаки саноати электрон сигареталарни одатий сигареталарга нисбатан зарарсизроқ, деб кўрсатади. Лекин текширувлар шуни кўрсатдики, эпителий хужайраларининг ДНК структураси электрон сигареталар ва одатий сигарета чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан 2 баробар кўп жароҳатланган. Жароҳатланиш хавфи тез-тез чекадиганларда ва турли хушбўйлаштирилган

электрон сигареталарни чекканларда кўпроқ кузатилган.[13]

Атрофдагиларга зарарли таъсир этади

Электрон сигареталар аэрозоли таркибида никотин, каттик заррачалар, канцерогенлар ЖССТ Ҳадли конвенцияси томонидан тавсия этилган йўл қўйиладиган энг юқори даражалардан ошади. Аэрозолдаги майда ва ультрадисперсли (ўпка альвеолаларига қиради) заррачалар, учадиган органик бирикмалар, оғир металллар юрак-томир ва ўпка касалликлари ривожланиш хавфини кескин оширади.[14] Хулоса қилиб айтганда, электрон сигареталар аэрозоли атрофдагилар саломатлигига зарарли таъсир кўрасатади[15] ва бу борада тадқиқотлар давом этмоқда.

Бошқа зарарлар

Электрон сигареталар техник стандартларга мос келмаслиги ёки чекувчининг ўзи унинг конструкциясини

ўзгартириши туфайли чекувчиларда жисмоний жароҳат, шу жумладан курилмаларнинг портлашдан ёки носозлиги туфайли куйишлар кузатилиши мумкин.Юқори концентрацияли никотинли суюкликнинг тасодифий таъсири жуда хавфли бўлиши мумкин, ҳатто ўлим ҳолатига сабабчи бўлиши мумкин.

АҚШда 5 йил мобайнида 8 мингдан ортиқ 6 ёшгача болаларнинг никотинли суюкликларни тасодифан ютиб юбориши ҳолати кузатилган. Бунда 8 нафар боланинг саломатлигига жиддий жароҳат етган ва бир нафар бир ёшга етмаган бола нобуд бўлган.[8,16,17,18]

Экологияга

етказиладиган зарар

Электрон сигареталар, шу жумладан электрон сигареталар таркибий қисмида литий-ионли батареяка (аккумулятор) бўлади.[19] Кўп маротаба фойдаланиладиган электрон сигареталарда батареяка қайта қувватланади, бир марта

ишлатилганидан электрон сигареталар ишлатилганидан сўнг батареяка билан бирга ташлаб юборилади.[1] Шубҳасиз, пластмассадан тайёрланган корпус ва батареяка утилизация қилиниши ва қайта ишланиши лозим. Таркибида заҳарли моддалар – кўрғошин, кадмий, симоб, никель, цинк ва бошқа моддалар борлиги сабабли фойдаланилган электрон сигареталарни умумий ахлатга қўшиб бўлмайди. Улар бошқа маиший чиқиндилар билан чиқинди йиғилдиган жойга тушиб қолса, аста-секин қопламаси емирила бошлайди, хавфли элементлар тупроққа, кейин ер усти ва ер ости сувларига тушади. Батареякалар чиқиндиларни ёкадиган заводга бориб қолса, заҳарли бирикмалар атмосфера ҳавосини ифлослайди. Бундан ташқари, атмосфера ҳавосига чиқариладиган аэрозолда нафақат никотин ва ароматизаторлар, балки ҳали яхши ўрганилмаган бошқа заҳарли моддалар ҳам бор.[19]

7, 10 ва 11 саҳифа материалларини Саломатлик ва стратегик ривожланиш институтининг бош мутахассиси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тамакига қарши кураш бўйича консультанти Шухрат ШУКУРОВ тайёрлади

■Спорт – бу саломатлик

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ДОИРАСИДА

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кишида ҳар томонлама жисмоний ривожланиш имкониятини яратади, унинг физиологик функцияларни такомиллаштиришга ёрдам беради ҳамда инсон организмининг ҳар томонлама мустаҳкамлашга олиб келади.



Спорт тиббиётининг мақсади – инсоннинг баркамол ривожланиши, унинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама тараққий эттиришдир. Ватан ҳимояси ва меҳнатда юқори жисмоний тайёргарлигини таъминлашдир. Ўзбекистон давлат спорт академияси ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали “Спорт психологияси, ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий фанлар” кафедраси ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг “Тиббий реабилитация, спорт тиббиёти ва халқ таъботи” кафедралари ўртасида тизимли равишда ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида 2024-2025 йиллар давомида иккала кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан

ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, кафедра-лар профессор-ўқитувчилари томонидан ҳамкорликда 2 та ўқув қўлланма, 2 та мақола ва тезислар тайёрланиб нашр этирилди, 4 та маҳорат, 3 та маъруза дарслари ва 3 та семинар машғулоти ташкил этилди. Айниқса, Самарқанд давлат тиббиёт университети

Айни дамда Ўзбекистон давлат спорт академияси ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали “Спорт психологияси, ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий фанлар” кафедраси ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети “Тиббий реабилитация, спорт тиббиёти ва халқ таъботи” кафедраси ўртасидаги имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида ишлар давом этмоқда.

Зариф БЕГИМҚУЛОВ,

Ўзбекистон давлат спорт академияси ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали “Спорт психологияси, ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий фанлар” кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

“Тиббий реабилитация, спорт тиббиёти ва халқ таъботи” кафедраси профессор-ўқитувчилари З. Мавлянова, Г. Бурханова, И.Шарафова, Ф.Худойкулова, Ш.Ахтамовалар томонидан “Спортчиларда соматик касалликларни даволаш, иммунитетни коррекциялаш ва функционал ташхис”, “Шахмат билан шуғулланадиган болаларда бўйин оғриғи синдроми реабилитацияси” мавзусидаги семинар-тренинглари, “Скандинавча юриш”, “Спорт тиббиётининг асосий вазифалари” бўйича маҳорат дарслари ҳамда “Спорт жароҳатлари. Спорт жароҳатларининг таснифи” мавзусидаги маъруза дарслари “Спорт турлари бўйича тренерлар” малака ошириш йўналиши тингловчиларида катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, сўнгги икки йил давомида Самарқанд давлат тиббиёт университети талабалари учун Ўзбекистон давлат спорт академияси ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали ахборот-ресурс марказида “Янги китоблар тақдироти” ташкил этилди.

■Соғлом авлод - ватан келажаги

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-Оилавий поликлиника ҳудудидаги 53-63-96-150 мактабларда ҳам “Саломатлик марафони бахтли ҳаётга қадам” шиори остида ўтказилмоқда. Мактабдаги тадбирларда мактаб шифокори ва ҳамширалари ўқувчиларга саломатлик бўйича ҳар хил мавзуларда маърузалар ўтказишмоқда. “Шахсий гигиена қондалари”, “Вирусли гепатит сабаблари”, “Гиёҳвандлик ва унинг асоратлари”, “Гирипп ва ўткир вирусли касалликни олдини олиш”, “Балоғат ёшдаги қизлар гигиенаси” каби мавзуларда.

Бундан мақсад, болаларда тиббий саводхонликни ошириш, турли хил касалликларни олдини олиш ва юқумли касалликлар бўйича хабардорлигини бойитиш. Бугунги кунда Хуснобод маҳалласига қарашли 53-мактабда 1115 ўқувчи таҳсил олади. “Саломатлик марафони” доирасида ўқувчиларга соғлом овқатланиш организм ўсиши учун оксил углевод ва ёғларнинг зарурлиги ва шу билан бирга чегараланган озиқ-овқатлар ва болалар учун соғлом овқатланиш тўғрисида маърузалар олиб борилди. Шунингдек,

мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди ва тўғри овқатланиш бўйича тарқатма материаллар берилди.

Мактаб шифокори Гўзал Қодирова болаларга ўз соғлиғини назорат қилиш, носоғлом овқат махсулотлари, газли ичимликлар ва энергетикларни зарарлари тўғрисида, таркибида шакар туз трас ёғлар миқдори юқори махсулотларни кам истеъмол қилиш кераклиги тўғрисида чуқур маълумот бериб ўтди. Ҳар бир ўқувчи соғлом бўлиши учун мунтазам жисмоний тарбия билан ҳам шуғулланиши ва спорт турларида қатнашиш кераклигини ҳам таъкидлаб ўтди. Тадбир давомида 51-оилавий поликлиника шифокори томонидан ҳозирги кунда электрон ретцепт тизими жорий этилагани тўғрисида мактаб ўқитувчилари, маҳалла раис ва фаолларига ахборот берилди.

Албатта, бундай эзгу мақсадли тадбирлардан қўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигига ҳар томонлама эътибор беришдан иборатдир.

Чунки соғлом авлод – ватанимиз келажагидир.

Гўзал ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар 53-умумтаълим мактаб шифокори.

■ Таҳлил ва истиқболли режалар

МАҚСАДЛИ ВАЗИФАЛАРНИНГ

Ибн Сино жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Мазкур фармонда қўйидаги вазифалар белгиланган:

– соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни тезлаштиришга қўмаклашиш;

– соғлиқни сақлаш тизимини тузилиш жиҳатидан қайта қуришда, тиббий–ижтимоий хайрия ташкилотларини, нурунийлар учун геронтология (гериатрия) марказларини очиш ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табobatiни (халқ табobatiни) ривожлантириб бориш;

– Абу Али ибн Синонинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ишларини ташкил этиш, мактаблар ва олий ўқув юртлари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, буюк олим асарларини тартибга солиш ва уларни нашр этишга қўмаклашиш, Ибн Сино кутубхонасини очиш;

– буюк олим асарлари асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китоблар, рисоалар, журнал нашр этиш, телевидение ва радиода доимий ишлаб турадиган дастурлар очиш, Ибн Сино музейини барпо этиш;

– Ибн Синонинг тиббий ва илмий–маънавий меросига оид тадқиқотлар олиб боришга, унинг фандаги мактабларини ўрганишга қўмаклашиш, хусусан олимларнинг бу борадаги илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

– тиббиёт ва доришунослик соҳасидаги энг яхши ишлар учун Ибн Сино номидаги мукофот таъсис этиш ва истеъдодли ёшларни қўллаб–қувватлаш;

– чет эл олимлари билан алоқалар ўрнатиш, Ибн Синонинг илмий меросига бағишланган халқаро симпозиумлар, конференциялар, конгресслар ўтказиш;

– мамлакатнинг барча вилоятларида ва хорижий ўлкаларда фонд бўлинмаларини ташкил этиш, буюк ватандошимиз таваллуд топган тупроқ — Бухоро шаҳрида ҳар йили Ибн Сино халқаро ўқишларини ўтказиб туриш;

– ЮНЕСКО билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиб бориш, Фонднинг равнақ топиб бориши учун моддий асос яратиш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш.

Сўнгги 10 йил ичида (2015 йилдан 2025 йилгача) фонд томонидан 50 дан ортиқ халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, экспедициялар, кўргазмалар, шу жумладан анъанавий ўтказиладиган халқаро Ибн Сино ўқишлари ташкил этилди ва ўтказилди. Фонд ҳар йили ихтисослаштирилган мактаб–интернатлар ўқувчилари учун хайрия тадбирларини ташкил этади, шунингдек, Даун синдроми, мия ярим палси, аутизм ташхиси қўйилган болаларни бепул малакали тиббий кўриклардан ўтишида амалий ёрдам бериб келмоқда. Фонд ўзининг Низомида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ етакчи хорижий илмий ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қа-

ратилган тадбирларни ҳам амалга оширади. Ибн Синонинг илмий ва маданий меросини ўрганаётган Ўзгирофлиси шундаки, фондмиз билан Озарбайжон, Афғонистон, Белгия, Германия, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Ерон, Қозғистон, Корея, Хитой, Qatar, Қувайт, Қирғизистон, Латвия, Покистон, Россия, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатлар олимлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Таъкидлашим муҳимки, бу борада бой касбий тажриба тўпланди, турли фан соҳалари мутахассисларидан иборат илмий гуруҳ тузилди, 4 та халқаро илмий платформалар яратилди ва ривожланмоқда, 30 дан ортиқ хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.

2025 йилнинг 24-25 апрелида кунлари Тошкентда Ибн Сино жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент фармацевтика институти билан биргаликда "Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар" мавзuida VIII халқаро илмий–амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманнинг мақсади жаҳон тиббиёти ва фармацевтика фанига бекиёс ҳисса қўшган табиб, олим ва фай-

винцияси Сиан шаҳрида анъанавий тиббиёт бўйича қатор муҳим тадбирларда иштирок этиш учун Ўзбекистон расмий делегациясини тузиш таклифи тушди. Ибн Сино фонди Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон халқ табobati Академияси ва Ибн Сино жамоат фонди вакиллари билан делегация тузди. Натижада Хитой Халқ Республикаси Шенси вилояти таълим бошқармаси номидан Ўзбекистон делегацияси вакиллари номига 2025 йил 20–27 май кунлари Ипак йўли илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш ва амалиёт соҳасидаги ҳамкорлик бўйича халқаро конференцияда иштирок



ласуф Абу Али ибн Синонинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро илмий тадқиқотларни тарғиб қилиш мақсадида конференцияда иштирок этган хорижий экспертлар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашилди. Халқаро конференцияда Ўзбекистон, Корея, Хитой, Россия Федерацияси, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Исроил, Ерон ва Украинадан хорижий экспертлар, шунингдек, 200 нафар маҳаллий олимлар, экспертлар, шифокорлар, фармацевтлар, кимёгарлар, биологлар, табиблар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Конференция давомида илмий ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шунингдек, VIII халқаро илмий–амалий конференция доирасида 6 та номинация – Абу Али ибн Сино Миллий мукофоти бўйича илмий тадқиқотлар танловига номзодлар танлаб олинди.

2025 йил апрел ойида Ибн Сино фондига Хитойнинг Шанси про-

этиш учун расмий таклифлар келиб тушди. Хитойнинг Сиан ва Циндао шаҳарларида бўлиб ўтган қатор халқаро тадбирларда Ўзбекистон делегацияси аъзолари тақдиротлар билан иштирок этди. Шунингдек, истиқболлик ҳамкорлик меморандумлари имзоланди ва қўйидаги таклифлар тақдим этилди.

1) Ибн Сино жамоат фонди ҳузурида Тошкентда Конфуций–Авиценна халқаро анъанавий тиббиёт институти очиш учун Хитой сармоёси ва мутахассисларини жалб қилиш;

2) 2025 йил октябрь ойида Бухорода (Абу Али ибн Сино туғилган жой) анъанавий тиббиёт бўйича биринчи ўзбек–Хитой илмий – амалий форуми – "Буюк Ипак йўли: тиббиёт ва анъаналар" XIII халқаро Авиценна ўқишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

3) 2026 йил октябрь ойида Самарқандда анъанавий тиббиёт бўйича V халқаро илмий–амалий конференция доирасида "Ўзбекистон – BRICS: фан-тиббиёт-анъаналар" анъанавий тиббиёт бўйича BRICS форумини биргаликда ташкил қилиш;

4) Ўзбекистон–Хитой илмий,

маданий–маърифий, гуманитар, инновацион ва сармоявий ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

5) Ибн Сино жамоат фонди ва BRICS халқаро стратегик лойиҳалар альянси ўртасида 2025-2030 йилларда ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон расмий делегацияси иштирокида қўйидаги тадбирлар амалга оширилди: Сиан тиббиёт университети, Сиан халқаро университети ва Циндао тиббиёт университети билан истиқболли ҳамкорлик меморандумлари имзоланди; Хитойнинг бошқа университетлари билан ҳамкорлик Меморандумларини имзолаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди; Хитой, Россия, Италия ва Мисрнинг етакчи мутахассислари билан истиқболли бизнес ва илмий алоқалар ўрнатилди; кўл-лёмаларни ўрганиш ва таржима қилиш, китобларни нашр этиш бўйича қўшма илмий тадқиқотлар, илмий экспедициялар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди; 2025 йил октябрь ойида Бухорода XIII халқаро Ибн Сино ўқишлари доирасида биринчи Ўзбек – Хитой илмий форумини ўтказиш бўйича келишувга эришилди; Тошкентда анъанавий тиббиёт институти ва клиникасини биргаликда ташкил этиш учун Хитойнинг мақсадли инвестицияларини жалб қилиш бўйича дастлабки келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси 2025 йил 1 августдаги 10-1-1239 сонли хатдаги топширикни ижросини таъминлаш мақсадида Ибн Сино жамоат фонди ўз ҳамкорлари – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилоят ҳокимлиги, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон халқ табо-

бати академияси, Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти билан биргаликда юртдошларимизни, айниқса, Ўзбекистон ёшларини баркамол ривожланган авлод бўлиб вояга етишда ва маънавий–ахлоқий, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғулар асосида тарбиялаш мақсадида кенг қамровли ахборот–тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Жумладан, 16 август куни Абу Али ибн Сино туғилган юрт – Афшона қишлоғида, "Абу Али ибн Сино: Жаҳон мероси – Ўзбекистон ғурури" мавзусида илмий–маърифий соғломлаштириш тадбирлар мажмуаси ўтказилди. "Абу Али ибн Сино соғломлаштириш марафони", Ибн Сино ҳайкалига тантанали гуллар қўйиш маросими ва Ибн Сино музейида "Абу Али ибн Сино: Жаҳон мероси – Ўзбекистон ғурури" мавзусида илмий–маърифий анжуман ўтказилиб, 10 та илмий маъруза тингланлиди.

Кунни иккинчи яримида, Бухоро шаҳрида, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида, ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Абу Али ибн Сино шахси ва бой қўп қиррали илмий маданий мероси, ушбу улуг Ватандошимиз таълимоти ўзбек олимлари ва мутахассислари ўрганилиши тўғрисида маълумотлар берилди.

"Дунё бўйлаб" ва "Ўзбекистон тарихи" давлат телеканалларида Ибн Синошунос олимларни жалб қилиниб, Ибн Сино шахси ва бой илмий мероси тўғрисида телекўрсатувларташқил қилинди ва кенг оммага тақдим этилди. Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти билан ҳамкорликда 11 та саломатликни сақлашга бағишланган Ибн Сино мероси "Тиб Қонунлари" ва аллома рисоалари асосида тиббий тавсиялар руқнида пост тайёрланди ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилди. Республика маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда "Абу Али ибн Сино тўғрисида 10 та факт" видеопостлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлаб чиқилди ҳамда ижтимоий тармоқларда, барча давлат хизматлари марказларида, метро, поездларда доимий равишда қўйиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг сиёсий, илмий ва маънавий қиёфасини халқаро майдонларда янада тарғиб қилиш, Абу Али ибн Сино таваллудининг 1045 йиллиги, "Тиб Қонунлари"

■ Таҳлил ва истиқболли режалар

АМАЛДАГИ НАТИЖАЛАРИ

1999 йил 6 январдаги 2171–сонли Фармонига мувофиқ ташкил этилган

яратилганлигининг 1000 йиллиги ва Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази ташкил этилганлиги 30 йиллик юбилейни кенг нишонлаш мақсадида, 2025 йил 12 сентябрь “Tashkent Pharma Park” (Тошкент вилояти) мажмуасида Ибн Сино жамоат фонди ва Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази билан ҳамкорликда "Абу Али ибн Сино: Шарқ жавоҳири – Жаҳон мероси" халқаро илмий – амалий анжумани ўтказилди. Анжуманда юртимиздан ташқари АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Польша, Швейцария, Ҳиндистон, Сингапур, Жанубий Корея, Индонезия, Иордания, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби 15 га яқин мамлакатлардан 300 дан ортиқ иштирокчилар, жумладан етакчи олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда халқаро нуфузли экспертлар иштирок этди. Тадбирда, Абу Али ибн Синонинг илмий мероси ва «Тиб қонунлари» асарининг замонавий тиббиётдаги аҳамияти, фармацевтика соҳасидаги долзарб масалалар, халқ табобатининг илмий асослари, шунингдек, жаҳон фармацевтикасидаги замонавий тенденциялар ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Пленар ва секция йиғилишларида 49 та илмий маъруза, маҳорат дарслари ва фармацевтика махсулотлари кўргазмалари тақдим этилди. Халқаро анжуман доирасида Ибн Сино жамоат фондида Туркиядаги Уйғур табобати тадқиқот фонди томонидан Ибн Сино меросини биргаликда тадқиқ қилиш мақсадида Уйғур тиббиёти олий мактаблари учун иккинчи авлод дарсликлари 29 та жилда бегараз ҳадя қилинди. Ушбу дарсликлар тўлиқ Ибн Сино мероси асосида яратилган бебаҳо илмий хазина ҳисобланади. Анжуман доирасида илмий маърузалар билан бир қаторда мақсадли тиббий–ижтимоий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бизнес учрашувлар уюштирилди. Тадбир доирасида “Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси ва “Ибн Сино” жамоат фонди қатор нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳужжатларини имзолади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, охириги йилларда Ибн Сино жамоат фонди илмий ва халқаро фаолияти чет эл ва маҳаллий нуфузли ташкилотлар томонидан эътироф этилиб юқори баҳоланмоқда. "Абу Али ибн Сино: Шарқ жавоҳири – Жаҳон мероси" халқаро илмий – амалий анжуманини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун Ибн Сино жамоат фонди, Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази ва хомийлар маблағлари жалб қилинди.

Ибн Сино жамоат фонди тасдиқланган 2025–йил иш режасининг 4–бандига мувофиқ Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази билан имзоланган ҳамкорлик меморандуми (2022–йил) доирасида Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги 52–ихтисослаштирилган мактабидан олинган хат асосида, жорий йилнинг 17–20 ноябрь кунлари 216 нафар ўқувчиларни (имконияти чеклан-

ган болалар) бепул малакали тиббий кўриқдан ўтказди. Ушбу хайрия тиббий–ижтимоий амалиёти Фонд ва Марказ томонидан 2014 йилдан бери ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий–сиёсий ривожланиш бўйича маслаҳатчиси ўринбосари А. Азизовнинг (2025 йил 18 ноябрдаги 10–1–2538–сон) кўрсатмаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўрсатма хати асосида "Абу Али ибн Сино (Авиценна): Буюк мерос ва Цивилизация" мавзусида анъанавий XIII халқаро Ибн Сино ўқишлари – илмий–амалий конференция 2025 йилнинг 21–23 ноябрь Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Ташкилотчилар: Ибн Сино жамоат фонди, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Абу Али ибн Сино Бухоро Давлат тиббиёт институти ва ЮНЕСКО бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси. Тадбирдан кўзланган мақсад, жаҳон тиббиётига бекиёс ҳисса қўшган табиб, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг инсониятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, олим маънавий–маърифий мероси асосида юртдошларимизни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш тизимда ислохотларни фаоллаштиришдан иборат бўлди. Мазкур тадбирда 300 нафар миллий олимлар, экспертлар, файласуфлар, исломшунослар, тарихчилар, шарқшунослар, мусикашунослар, социологлар, психологлар, шифокорлар, фармацевтлар, кимёгарлар, биологлар, табиблар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Халқаро ўқишларнинг асосий илмий йўналишлари асосан Абу Али ибн Сино меросининг фан ва цивилизация, таълимотининг анъанавий тиббиёт ривожигаги ўрни, замонавий фармацевтикани ривожлантиришда Ибн Сино таълимоти, табиий фанлар, аниқ фанлар ҳамда ижтимоий–гуманитар фанларни ривожлантиришдаги ўрнига бағишланди. Халқаро Ибн Сино ўқишлари доирасида бир қатор халқаро форум, конференция, давра суҳбати ва тематик кўргазмалар ўтказилди. Жумладан: анъанавий тиббиёт бўйича биринчи Ўзбекистон–Хитой илмий форуми – "Абу Али ибн Сино–Конфуций: анъаналар–тиббиёт–Саломатлик", I Марказий Осиё илмий давра суҳбати "Абу Али ибн Сино: анъанавий тиббиётни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари"; IV халқаро илмий – амалий конференция – "Абу Али ибн Сино: фан ва тиббиёт" ва халқаро дори воситалари ва халқ табобати махсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Хитойнинг Шаанси тиббиёт университети ва Ўзбекистон–Хитой тиббиёт техник парк ҳамкорлигида Хитойнинг 10 нафар таниқли олим ва мутахассислари иштирокида Ўзбекистонда биринчи Ўзбекистон–Хитой илмий форуми ҳамда Ўш Давлат университети (Қирғизистон), Авиценна тиббиёт ва фармакология институти (То-



жикистон) ва Коротков балъзами (Қозоғистон) билан биргаликда минтақамизнинг 10 га яқин таниқли олим ва мутахассислари иштирокида биринчи Марказий Осиё илмий давра суҳбати ташкил этилди. Нуфузли анжуманда 96 та илмий маърузалар тингланилди. Жумладан, 28 нафар хорижий давлат олимлари ўзларининг илмий маърузалари билан иштирок этишди. Хорижий иштирокчиларнинг умумий сони қарийб 35 нафар вакиллари ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, Ибн Сино фонди ЮНЕСКОнинг “Авиценна ва биотика: Авиценна илмий ва маданий меросининг Жаҳон илм–фани ривожига қўшган ҳиссаси” лойҳасини жалб қилди ва ушбу лойҳаси доирасида Халқаро Ибн Сино ўқишлари молиялаштирилди. Тадбир доирасида Бухоро вилояти Пешку тумани Афшона қишлоғида Ибн Сино жамоат фонди ташаббуси билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти ва Пешку тумани ҳокимлиги билан биргаликда биринчи Абу Али ибн Сино халқаро марши ташкил этилди ва ўтказилди. Халқаро Марш Афшона қишлоғида (Ибн Синонинг туғилган жойи), буюк аллома хайкали ёнида ажунланди ва унда барча иштирокчилар буюк ватандошимизга ҳурмат ва эҳтиром билдириб, унинг хайкалига гул қўйиш маросимида қатнашдилар. Сўнгра халқаро Авиценна ўқишлари иштирокчилари Бухоро вилояти мусикали Драма театрига олиб борилди ва у ерда улар учун махсус "Жавоҳир Табиб" театрлаштирилган композицияси намойиш этилди.

Нуфузли анжуман Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтининг қатта анжуманлар залида XIII халқаро Авиценна ўқишларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди ва унда Ибн Сино жамоат фонди Васийлик Кенгаши раиси – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир А. Худаяров анжуман иштирокчиларга ўзининг он-лайн тарзидаги самимий табригини йўллади. Шунингдек, Бухоро вилояти ҳокими Б. Зариповнинг ҳам (Фонд Кенгаши Васийлик кенгаши аъзоси) табриги ўқиб эшитилди. Сўнгра анжуман ташкилотчилари ҳамда хорижий давлат вакиллари кириш сўзлари ва табриклари тақдим этилди. XIII халқаро Ибн Сино ўқишлари доирасида ҳамкорлик меморан-

думлари имзоланди. Ибн Сино жамоат фонди номидан Абу Али ибн Синонинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш ва оммалаштиришга қўшган ҳиссаси учун Бухоро Давлат тиббиёт институти ва Бухоро Давлат университети фахрий Авиценна мукофотлари билан тақдирланди.

Конференциянинг қарори қабул қилинди, унда Ибн Сино жамоат фонди негизида Абу Али ибн Сино (Авиценна)халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш зарурлиги, Абу Али ибн Синонинг бой илмий ва маданий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, халқаро алоқалар ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, 2030 йилда Абу Али ибн Сино таваллудини 1050 йиллигини кенг нишонлаш ва Ўзбекистонда биринчи Жаҳон Авиценна илмий Конгрессининг ўтказилишига пухта тайёргарлик кўриш лозимлиги белгиланди.

Халқаро Авиценна ўқишлари Абу Али ибн Синонинг бой илмий ва маданий меросини янада чуқур ўрганишга туртки берди ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун конструктив шарт-шароитлар яратди.

Хусусан, қуйидагилар билан келишувларга эришилди:

– Ўш Давлат университети (Қирғизистон) ва Коротков балзам компанияси (Қозоғистон) мос равишда Ўш ва Чимкентда Ибн Сино жамоат фондининг ваколатхоналарини очиб тўғрисида;

– Туркиядаги Уйғур тиббиёт тадқиқотлари фонди 2026 йилда Абу Али ибн Сино қўлёзмаларининг ва қўлёзмалар нусхаларини ўрганиш учун Ўзбек олимларининг Туркияга биринчи илмий экспедициясини биргаликда ташкил этиш тўғрисида;

– АРЧ International Инс (Ақш) халқаро ташкилоти билан "Афшонада илмий, саломатлик ва тарихий Авиценна боғининг ўзбек модели"ни яратиш учун мақсадли грант маблағларини жалб қилиш;

– Британия Ҳижмама жамияти билан ҳамкорликда 2026 йилда Самарқандда анъанавий тиббиёт бўйича халқаро илмий конференция ташкил этиш;

– Ўзбекистон нодавлат таълим муассасалари ассоциацияси, Мерос холдинг компанияси, Алфранус университети касалхонаси билан Абу Али ибн Сино шахси ва меросини ўрганиш ва оммалашти-

риш бўйича 2026 йилдан 2030 йилгача қўшма халқаро илмий–маърифий конференциялар, форумлар ва тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, Туркия, Катар, Қувайт ва Ҳиндистонга буюк олим қўлёзмаларининг ўрганиш бўйича хорижий экспедицияларни ташкил этиш.

Келгусида узоқ муддатли истиқболли режалари қуйидагилардан иборат:

2030 йилнинг 16 августида Жаҳон ҳамжамияти Абу Али ибн Сино таваллудининг 1050 йиллигини кенг нишонлайди. Ўзбекистоннинг илмий ва маданий салоҳиятини янада ривожлантириш ва мамлакатимизнинг сиёсий обрўсини халқаро майдонларда тарғиб қилишни давом эттириш мақсадида Ибн Сино жамоат фонди томонидан халқаро тадбирларни ўтказиш учун "мақсадли илмий ва маданий дастур "Абу Али ибн Сино-2030 йиллар стратегияси" ишлаб чиқилди. Ўзбекистон ҳудуди (халқаро Авиценна ўқишлари, форумлар, конференциялар ва бошқалар.) ва чет элда (қўлёзмаларни ўрганиш учун илмий экспедициялар). 2026–2030 йиллардаги стратегиянинг асосий йўналиши Абу Али ибн Сино меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази сифатида Ўзбекистоннинг жаҳон сахнасидаги обрўсини сиёсий ва илмий жиҳатдан мустақамлаш ва тарғиб қилишдир. Шундай қилиб, "Стратегия" нинг барча беш йиллик тадбирлари 2030 йилда Ибн Синошунос олимларининг биринчи Жаҳон Конгресси – "Ибн Сино: Ўзбекистон ва Жаҳон"ни ўтказишга қаратилади. Ибн Сино жамоат фонди тизимли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича хорижий илмий муассасалар ўртасида муҳим халқаро тажриба ва алоқаларни қўлга киритди. Авиценна брендини халқаро майдонларда янада оммалаштириш ва Авиценна–2030 Миллий стратегиясини самарали амалга ошириш мақсадида Ибн Сино жамоат фонди асосида Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Абу Али Ибн Сино (Авиценна) халқаро тадқиқот марказини ташкил этиш таклифи кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда.

Нозимхон МАХМУДОВ,
Ибн Сино жамоат
фонди Бошқарув раиси.

■ Яхшидан қолган боғ

Бекободнинг олис Қушчи қишлоғида туғилиб вояга етган Мирзабек Дўстмуродов ўзининг бутун ҳаётини тиббиётга, одамларга яхшилик ва эзгулик улашишга бахшида айлаган элпарвар инсон эди десак, аини ҳақиқатдир. Болалигидан ҳар бир ишга синчковлик ва диққат билан қарайдиган бўлажак шифокор ўкиб – ўрганишга иштиёқи баланд, зехли инсон бўлиб камолга етди. Унинг юрагида бир умр умид гуллари барқ уриб турди.



Мирзабек ака 1955 йилда Душанбе шаҳридаги тиббиёт институти-ни тамомлагач, унинг бутун ҳаёти тиббиёт соҳаси билан чамбарчас боғланди. Изланишга мойил ёш мутахассис ўша йилнинг ўзида Москвадаги академик Бурденко номидаги нейрохирургия илмий – тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Москвада Борис Егоров, Андрей Арэнд, Григорий Корнянский сингари академик ва профессорлар қўлида жаррохлик сирларини мукамал ўрганди. 1959 йилда нейрохирургия соҳасида тиббиёт фанлари номзоди унвонини олди. Ўша йили Душанбе шаҳрига қайтиб тиббиёт институтида ассистент бўлиб ишлай бошлади. Тақдир тақозоси билан Мирзабек Дўстмуродов 1960-1969 йилларда Андижон давлат тиббиёт институтида ўқитувчи, кафедра мудири вазифаларида хизмат қилди. Энг муҳими, институтда нейрохирургия бўлимининг ташкил этилишида жонбозлик кўрсатди. Унинг илмий – ижодий фаолияти ана ўша йилларда гуркираб ривожланди. 1972 йилда Москвада академик Юмашев раҳбарлигида “Кўкрак умуртқасининг остеонхондрози” мавзuida докторлик ишини ҳимоя қилди ва тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эришди. Шуниси эътиборлики, қахрамонимиз Москвада ҳам Ибн Сино авлодлари нималарга қодир эканлигини амалда исботлаб берди.

Профессор Мирзабек Дўстмуродов Андижонда тиббий соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшди. Малакали хизмат кўрсатувчи нейрохирургия, травматология, ортопедия бўлимларидан иборат шифохона очилди ва бу даргоҳда кафедра мудири бўлиб фаолият юритди. Олийгоҳда травматология, ортопедия соҳасининг тараққий этишига бош – қош бўлди. Фаолияти давомида 60 дан ортиқ илмий ишларни ва “Мия эхинококкози” номли монографиясини чоп эттирди. Етук олим ва шифокор бўлиб танилган бу инсоннинг ҳаётида 1980 йили катта бурилиш даври бўлди. У кишини Шароф Рашидовнинг тавсиясига биноан Республика травматология ва ортопедия институтига директор этиб тайинлашди. Бу ҳақда унинг ўзи “Юракдаги умид гуллари” номли китобида шундай ёзган эди: “Шошилиш хабар бор. Сиз 23 ноябрь кун Марказий кўмита котиби Оқил Умрзоқович Салимовга учрашасиз”, дейишди. Мен Тошкентга келиб Салимов хузурида бўлдим. “Маслаҳатли гап бор”, деди у киши. Оқил Умрзоқовичнинг ёнида профессор Х. Воҳидов ҳам ўтирган экан. Сўнгра биз Салимов бошчилигида Шароф Рашидов олдига кирдик. Мен Шароф акани яқиндан биринчи бор кўришим эди. Кишига мулоим боқадиган, киёфасидан меҳрибонлиги сезилиб турадиган бундай раҳбар камдан – кам бўлади. Биз унинг олдига

кирганимизда у киши телефонда виллоят, туман котиблари билан бирма – бир гаплашиб, белгиланган режаларнинг бажарилишини талаб қилар, гап орасида қандай ёрдам кераклигини ҳам сўраб қўярди. Ўша кун Марказий кўмита котибиятининг мажлиси бўлди. Шароф ака мени котибият аъзолари билан таништирди. Улар менга турли хил саволлар беришди. Жавобларим маъ-

қул бўлди, шекилли, соғлиқни сақлаш вазири мамнун ўтирар эди. У киши менга травматология ва ортопедия илмий – текшириш институтида рўй берган камчиликлар ҳақида батафсил гап-ра туриб, ана шу ерга раҳбарлик қиласиз, деди. Шундай қилиб, 1980 йил 25 ноябрь кун институт жамоаси билан танишдим ва директорлик вазифасини бажаришга киришдим.” Домланинг кейинги бутун фаолияти травматология ва ортопедия соҳасини тубдан яхшилашга қаратилди. 1982 йилда Ўзбекистонда биринчи маротаба Ўрта Осиё минтақасида травматология ва ортопедия соҳаси бўйича фан номзодлиги диссертациясини ёклаш учун илмий кенгаши ташкил этди. Унинг раҳбарлигида 12 киши фан номзодлигига сазовор бўлди. Бевосита домланинг ташаббуси билан Марказий Осиё ва Қозғистон травматологлари ва ортопедлари Қурултойи ўтказилди. Тажрибали шифокор, заҳматкаш устоз сифатида жуда кўплаб ёш мутахассисларга, травматолог ва ортопед шифокорларга зарур маслаҳатларини берди, уларнинг илмий изланишларига кўмаклашди. 1986 йилда уни Республика ногиронларининг меҳнат қобилятини аниқлаш ва тиклаш институтига директор этиб тайинлашди. 1987 йили ТМЭК ва ТНК шифокорларининг I-қурултойини ўтказишга муваффақ бўлди. Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари учун қўлланма яратилди. Энг қувончлиси шуки, Мирзабек Дўстмуродовнинг давлат ва халқ олдидagi хизматлари муносиб тақдирланди. 1989 йилда тиббиёт соҳасидаги илмий ва амалий фаолияти ҳамда ёш кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилди.

БЕКОБОДЛИК ФАН АРБОБИ

У кишини Шароф Рашидовнинг тавсиясига биноан Республика травматология ва ортопедия институтига директор этиб тайинлашди. Бу ҳақда унинг ўзи “Юракдаги умид гуллари” номли китобида шундай ёзган эди: “Шошилиш хабар бор. Сиз 23 ноябрь кун Марказий кўмита котиби Оқил Умрзоқович Салимовга учрашасиз”, дейишди.

Профессор Мирзабек Дўстмуродов ўз фаолияти давомида шикастланган, касалланган бош ва орқамияларга энг мураккаб жаррохлик усулларини қўллаб, минглаб беморларни му-

ваффақиятли даволади. Унинг илмий изланишлари, янги жаррохлик усуллари тиббиётда кенг қўлланилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, узилган нерв толаларини микрохирургия усули билан тиклаш, миядаги эхинококкоз пуфакларини аниқлаш, уларни янги жаррохлик усули билан олиб ташлаш, кўкрак умуртқасида остеохондроз касалликларини янги усуллар билан аниқлаш ва даволаш каби илмий изланишлари оммалашиб кетган. Сўнгги йилларда моҳир шифокор Мирзабек Дўстмуродов оёқ протезининг мижоз оёғига мос тушиши, уни безовта қилмаслиги учун янги жаррохлик усулларини қўлади. Бу ижобий натижалар берди. Тўғри, ҳозирда тиббиёт соҳаси кескин ривожланиб кетди. Даволашнинг янги, замонавий усуллари яратилмоқда. Аммо бир нарсга аёнки, ҳозирги травматология ва ортопедия соҳасида ҳам устозлар яратиб қолдирган бой тажрибадан унумли ва самарали фойдаланилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, профессор Мирзабек Дўстмуродовнинг Москва, Тошкент, Душанбе ва бошқа шаҳарлардаги матбуот саҳифаларида 200 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Заҳматкаш олим, тажрибали шифокор яратган монографиялар, илмий мақолалар жамоатчилик

томонидан катта кизиқиш билан қаралди ва эътироф этилди. Устознинг ўнлаб илмий китоблари тиббиёт соҳасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, унинг қаламига мансуб “Юракдаги умид гуллари” номли хотиралар китоби севиб ўқилмоқда.

Бекободнинг асл фарзандларидан бири, ҳамюртимиз Мирзабек Дўстмуродов маҳоратли шифокор, бағрикенг инсон, камтарин дўст сифатида эл – юрт орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Инсон умри фаслларга монанд эканлигини босиб ўтган ҳаёт йўли мисолида исботлади. “Ҳар бир фасл бизни ўзича ва ўзгача сийлайди” деган жумлалар унинг ҳаётини шиори-га айланди. Турмуш ўртоғи Инобат ая билан ўғил-қизларини эл – юрт қорига ярайдиган етук фарзандлар қилиб тарбиялашди. Улар ҳам оталари изидан боришиб, уларга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қилишди. Ўзининг камтарлиги, тўғри сўз ва одамларга меҳрибонлиги туфайли кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Мирзабек ака ҳаётда ҳамиша ҳалол ва покиза яшашга интилди. Одамларнинг оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қилди. Турли хил касалликларнинг давосини топди. Ногиронлиқни кескин камайтиришга бор куч – ғайратини сарфлади. Ана шундай ажойиб инсон, тажрибали олим Мирзабек Дўстмуродов 2010 йили 85 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этди.

Аммо унинг тиббиёт соҳасидаги ғоялари, юрагида гуркираб турган умид гуллари ҳамон барҳаёт. У киши доимо “Бахтим – кишилар саломатлигида” дея ғурурланиб яшаган. Агар ул зот тирик бўлганларида аини шу кунларда 100 ёшни қаршилаган, бир аср билан юзлашган бўлар эди. Халқимиз яхшидан боғ қолади, дея бежизга айтмаган. Мирзабек Дўстмуродов яратган боғ, тиббиёт гулшани хали узок йиллар одамлар саломатлиги йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

*Йўллар ҳар хил, фасллар турфа,
Ойни узар инсон қўллари.
Сенга бўлсин энг гўзал тухфа –
Юракдаги умид гуллари.
Туғилади янги фикр, ўй
Бир текисмас ҳаёт йўллари.
Ҳеч сўнмагай, дўстим, билиб қўй,
Юракдаги умид гуллари.*

Ашурали БОЙМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоир,
“Шухрат” медали соҳиби.

■ Наука и образование

БУДУЩИХ ВРАЧЕЙ НАУЧАТ АНАТОМИИ НА
МОДЕЛЯХ ИХ СОБСТВЕННЫХ ОРГАНОВ

Как 3D-копии помогут частично заменить трупный материал при подготовке студентов

В Сеченовском университете запускают производство персонализированных, то есть учитывающих особенности конкретного человека, трехмерных моделей костей, суставов, мышц, органов, сосудов – наглядных материалов, которые нужны для преподавания фундаментальных дисциплин в медицине. Вскоре студенты-медики смогут изучать анатомию на «двойниках» собственных внутренностей. Такая методика преподавания отличается повышенным интересом к предмету и другим качеством подготовки, рассказали авторы идеи. Также она поможет снизить зависимость от кадаверного материала.

Зачем создавать копии органов студентов-медиков

На кафедре анатомии и гистологии человека Сеченовского университета открылась Инновационная научная школа прикладной 3D-анатомии. В ней запускают производство трехмерных моделей костей, суставов, мышц, органов, сосудов – наглядных материалов, которые нужны для преподавания фундаментальных дисциплин в медицине. Напечатанные копии с высокой точностью повторяют естественную анатомию человека и по уровню детализации не уступают кадаверному (трупному) материалу.

Эта 3D-печать дает неограниченную вариативность в визуализации отдельных органов или систем человека. Как правило, студенты, ординаторы, молодые врачи привыкают работать с одним тренажером, запоминая какое-то типовое строение. Встречая орган с аномальным развитием, они с трудом могут отойти от шаблона. Благодаря трехмерному прототипу можно напечатать столько угодно персонализированных вариантов того или иного органа.

– Мы можем напечатать любой орган людей разного возраста, со всякими морфологическими параметрами, индивидуальной изменчивостью и различными патологиями. И в этом творческом процессе могут принять участие и студент, и соискатель ученой степени, и практикующий врач. Мы недалеко от того, что студенты смогут изучать фундаментальные дисциплины на собственной 3D-модели, – **рассказал старший преподаватель кафедры Вадим Корнилов.**

Для ее изготовления потребуется только DICOM-файл компьютерной или магнитно-резонансной томографии той или иной части тела или органа студента, уточнил преподаватель.

– Методика преподавания, когда вместо «типичного строения человека» студент изучает собственный организм, качественно отличается. Прежде всего, повышенным интересом к предмету и принципиально другим качеством подготовки. Поэтому мы стремимся, чтобы такой подход максимально расширился, – **отметил Вадим Корнилов.**

На первом этапе главная цель специалистов инженерной школы – обеспечение качественными отечественными анатомическими моделями медицинских вузов РФ и дружественных стран. Технические возможности кафедры позволяют собрать «человека», включая модели органов. Но речь пока идет только о мелкосерийном производстве для собственных потребностей.

– В настоящий момент проводится анализ рынка, и если подтвердится высокий спрос на нашу продукцию, то следующим этапом станет привлечение промышленных партнеров для расширения производства и линейки 3D-моделей. Объединение научной и технической составляющих, сотрудничество с промышленными партнерами, а также разработка единой платформы для всех тренажеров позволят в дальнейшем создать центр экспертизы федерального уровня по прикладной 3D-анатомии, – **подчеркнул заведующий кафедрой Владимир Николенко.**

Применение 3D-моделей органов

Как пояснили в вузе, анатомические тренажеры и модели промышленного производства изготавливают из пластика методом литья под давлением.

Данный способ производства технологически не позволяет воссоздать многие детали анатомических структур – клинически важные ориентиры для работы будущих врачей многих специальностей.

– 3D-печать сохраняет абсолютно все мельчайшие отверстия и каналы, и если вдруг в модели нужно что-то оперативно изменить, то для этого просто вносят правки в файл, – **рассказал Вадим Корнилов.**

Что касается ухода от трупного материала, то, как пояснили ученые, полностью уйти от использования трупного материала в подготовке врачей не получится, поскольку медицинский работник будет лечить человека, а не 3D-модель. Но создаваемые копии позволят более качественно подготовить к практической деятельности за счет вариативности строения.



Современные анатомические 3D-модели, безусловно, являются хорошим подспорьем для изучения анатомии. Они обеспечивают детальную визуализацию сложных структур, позволяют отработать мануальные навыки и изучать редкие клинические случаи. Это высокотехнологичный и эффективный инструмент, значительно расширяющий образовательные возможности, **уверен заведующий кафедрой анатомии человека Самарского государственного медицинского университета (СамГМУ), доцент, эксперт рынка НТИ «Хелснет» Сергей Чемидронов.**

– Внедрение анатомических 3D-моделей позволяет оптимизировать использование традиционной кадаверной базы для решения наиболее сложных учебных задач. В СамГМУ мы активно развиваем это направление, включаем такие технологии в образовательный процесс. Но при этом трупный материал сохраняет фундаментальную роль в медицинском образовании, обеспечивая тактильную достоверность, демонстрируя естественную анатомическую вариативность и закладывая основы профессиональной этики, – **рассказал эксперт.**

3D-технологии служат мощным дополнением, но не заменяют уникальный опыт работы с нативным материалом, **резюмировал Сергей Чемидронов.**

Использование анатомических 3D-моделей в медицинском образовании – сложившаяся мировая практика. Такие модели активно применяются при обучении студентов, ординаторов и врачей, в том числе для отработки анатомии, хирур-

гических доступов и вариаций строения органов, **прокомментировал инициативу руководитель центра превосходства «Персонализированная медицина» Казанского (Приволжского) федерального университета, член-корреспондент Академии наук Республики Татарстан Альберт Ризванов.**

– Параллельно во многих медицинских вузах, включая Казанский (Приволжский) федеральный университет (КФУ), в значительной степени ушли от работы исключительно с кадаверным материалом, заменяя его пластинами (анатомическими объектами, изготовленными методом бальзамирования и консервации анатомических препаратов. При пластикации вода и липиды в биологических тканях заменяются на синтетические полимеры и смолы. – Ред.) и высокоточным анатомическим моделированием. Развитие собственных центров 3D-анатомии и внедрение таких решений в учебный процесс, безусловно, заслуживает положительной оценки, – **отметил Альберт Ризванов.**

По словам эксперта, это отвечает современным требованиям медицинского образования, позволяет снизить зависимость от кадаверного материала, расширяет вариативность обучения и дает возможность работать с индивидуальной анатомией и патологиями.

В Сеченовском университете уверены, что открытие первого в стране федерального Центра экспертизы прикладной 3D-анатомии станет возможным после выпуска анатомических моделей в серийное производство.

По материалам Интернета

■ ФВВ огоҳлантиради

ТАРҒИБОТ- ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ

Ўта муҳим ва давлат аҳамиятига молик, ёнгин ва портлаш хавфи юқори объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш, уларнинг раҳбарлари билан ёнгин тактик ўқув ва машғулоти, тушунтириш ишларини ташкил этиш энг самарали ишлар сирасига қиради.

Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказиб борилиши эса объектлар ва аҳоли яшаш секторларида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки анна шундай тадбирлар давомида ишчи-хизматчилар ва аҳолини ёнгин, ис газидан заҳарланиш, ҳаво-газ аралашмасининг қақнаши билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, бирламчи ёнгин ўчириш воситаларидан фойдаланиш ва тўғри ҳаракат қилиш тартиби бўйича билимлари оширилади.

Санжархўжа ОБИДХЎЖАЕВ,
“Қорасув” қароргоҳи Давлат Резиденцияси
объектларида ФВБ инспектори, капитан

БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, маҳаллаларда

ёнгин хавфининг олдини олиш, аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этишни кучайтириш долзарб вазифалардан биридир.

Кўп ҳолларда ёнгинлар инсон омилли сабабли, яъни электр ва газ жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш, очик оловга бепарво муносабатда бўлиш, болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида келиб чиқмоқда. Бу эса оғир оқибатларга, моддий зарар ва инсон ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Шу боис ҳар бир хонадонда электр симлари ҳамда газ ускуналарида соҳбатда бўлишига эътибор қаратиш, ёниб турган иситиш воситаларини назоратсиз қолдирмаслик, болаларни ёнғундан буюмлардан асраш лозим. Киш мавсумида печ ва электр иситкичларидан фойдаланишда алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади.

Ёнгин содир бўлган тақдирда эса саросимага берилмасдан, дарҳол 101 ёки 112 рақамларига хабар бериш, одамларни хавфсиз жойга олиб чиқиш асосий вазифа ҳисобланади.

Д. САЛИМБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
Маъмурий бинолари фавқулодда вазиятлар бўлими
4-бўлими кичик инспектори, катта сержант

ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ис газининг саломатлиги учун жуда хавфли омил бўлиб, ундан заҳарланиш жуда осон. Ёнгин вақтида энг хавфли бу мунча қамайиши ва аниқ ҳаракатланишга тўсқинлик қилади. Шу боис, инсон ўз хавфсизлигини таъминлай олмаслиги мумкин.

Оддий шароитда ёнаётган ис газини ҳидсиз ва рангсиз бўлади. СО2 таъсирида қон қислорудни қабул қилиш қобилиятини йўқотиб, бош оғриши ва кўнгил айиниши бошланади. Ушбу омилларни ҳар бир инсон билиши ва ёнгин оқибатида ҳосил бўладиган ис газидан сақланиш қондаларини билмаслик ачинарли оқибатларга олиш келиши мумкин. Ўзингиз ва яқинларингизнинг тақдирини бефарқ бўлмаңг!

Ихтиёр ЎКТАМОВ
“Қорасув” қароргоҳи Давлат Резиденцияси
объектларида ФВБ кичик инспектори, катта сержант

■ Сарҳисоб

ФИДОЙИ МЕҲНАТЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Жорий йилнинг 23-24 январь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциациясининг фаолиятга бағишланган навбатдаги сарҳисоб йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ассоциациянинг ҳудудий бўлима раислари иштирок этди.

Республикаимизда 450 000 дан ортиқ ҳамширалар фаолият кўрсатади. Шундан 100 000 га яқини Ўзбекистон ҳамширалар ассоциациясига аъзо. Ассоциациямизнинг асосий мақсади, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятини ошириш, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ўрта тиббиёт ходимларини бирлаштириб, тиббий билим ва малакаларини оширишга кўмаклашиш, тиббий амалиётни кенг қўламда йўлга қўйиш, ҳамширалик ишида инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, ҳамши-

ралар ишини ривожлантириш, ҳамшираларни узлуксиз малака ошириш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборатдир. Ассоциациянинг асосий вазифаси – соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалик ишини такомиллаштириш ҳамда уларнинг мавқеини оширишга ёрдам беришдир. Ассоциациямиз томонидан 2025 йилнинг 27-29 январь кунлари Тошкент шаҳар 1-сонли болалар клиник шифохонасининг мажлислар залида 30 нафар ҳамширалар учун “Темоконтракт орқали юқувчи касалликлар” бўйича 18 кредит соатли ўқув семинари бўлиб ўтди. Тиббиёт ходимларининг

касбий малакасини ривожлантириш марказида “Олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари” кафедрасида Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бош ҳамширалари учун мўлжалланган 36 соатли “Бош ҳамширалар” мактаби ўқув курсида ассоциациямиз томонидан молиявий ёрдам берилди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган Республика “Ҳамшира-2025” кўрик-танловида қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси томонидан қоплаб берилди. Мамлакатимиз



мустақиллигининг 34 йиллигида ассоциацияга аъзо бўлган ҳамшираларнинг 1-синфга қабул қилинадиган 144 нафар фарзандлари Ассоциация томонидан ўқув қуроллари билан таъминланди. Янги йилда ҳам болажонларимизга совғалар тақдим қилинди. Айтишим лозимки, бу каби тадбирлар биргина пойтахтимиз балки ҳудудий бўлиналар томонидан ҳам олиб борилмоқда. Бўлиб ўтган навбатдаги

сарҳисоб йиғилиш доирасида иштирокчилар учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти мутахассислари томонидан “Соғлом турмуш тарзи тамойиллари” ҳамда “Биз коррупцияга қарши курашамиз” мавзусида семинар йиғилиш ўтказилди.

Гулнора УСМОНОВА,
Ўзбекистон Ҳамширалар
Ассоциацияси раиси.

ХАЙРИЯ ТИББИЙ АКЦИЯСИ
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Айни дамда Чирчиқ шаҳридаги вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Корея Республикасининг Сеул миллий университети стоматологик клиникаси мутахассислари иштирокида хайрия тиббий кўриги ўтказилмоқда.

Тиббий кўрик давомида “лаб ва танглай ёриғи” (куён лаб ва бўри танглай) ташхиси билан Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган болалар кўриқдан ўтказилди. Саралаб олинган болаларда жорий йилнинг апрель ойида шу ернинг ўзида жаррохлик амалиётлари ўтказилиши режа-

лаштирилган.

Мазкур хайрия акцияси 2021 йилда Ибн Сино жамоат фонди Тошкент вилояти филиали, Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Корея Республикасининг Сеул стоматологик клиникаси яъни уч томонлама имзоланган меморандум асосида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида ташкил этилган бўлиб, ҳар йили 50–60 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилади.

Камола ТҶҲАҲАНОВА,
Ибн Сино жамоат фонди
Тошкент вилояти филиали директори.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА
ҲАММАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

Бугунги кунда тиббиёт муассасарида халқимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган фаолиятлар янада қизғин тус олиб, жойларда “Саломатлик марафонлари” ҳамон давом этмоқда. Жумладан, Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-оилавий поликлиника-мизда ҳам мазкур жараёнлар давом этмоқда. Аҳолини кенг қатламини профилактик кўрик скрининг текширувларга жалб этиш, аҳолининг ўзи фарзандлари саломатлигини масъуллигини ошириш, касаллик профилактикаси тушунчасини тарғиб қилиш, қандли диабет, саратон каби касалликлар профилактикаси тўғрисида хабардорлигини ошириш, профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 31 октябрдаги 335-сонли буйруғи ижросини таъминлаш борасида фаолиятларни давом эттириб келмоқдамиз. Бугунги кунда поликлиникамиз тумандаги 9 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи 41 491 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, 5 та умумтаълим мактаби 4 та мактабгача таълим муассасаси поликлиникамизга бириктирилган. Шифо масканимизда рақамли рентген, УТД, дорсенваль, тубус, электрофарез, магнитолазер, электрофон, амплипульс, ЭКГ ва паронарвалгатель каби аппаратлар ва тиббий асбоб ускуналар мавжуд. Шунингдек, клиник лабораториямиз керакли анжомлар коагулометр, биохимик анализатор, термостат, центрифуга ва ФЕК аппаратлари билан жиҳозланган. Саломатлик марафони



бахтли ҳаётга қадам шиори ўстида ўтказилди. Ётоқли ва диспансер хисобидида турувчи аҳоли уйда шифокор ва тор мутахассислар томонидан кўригидан ўтказилмоқда. Марафон давомида 7 839 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан катталар 6 994 нафар, болалар 845 нафарни ташкил этди. 339 нафар аҳоли скрининг текширувдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар оила шифокори томонидан “Д” ҳисобига олиниб соғломлаштириш учун муолажалар буюрилди. Кундузги шифонамиз 15 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳар куни соат 08:00 дан 20:00 гача фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт ходимлари назорат остида сифатли ва ўз вақтида олиб борилган даво муолажаларини беморларни тезда оёққа туриб, саломатликларни тиклашда асосий омил бўлиб хиз-

мат қилмоқда. Марафон доирасида шифокорлар томонидан поликлиника ҳудудидаги корхона, мактаб, боғча ва савдо марказларида тиббий савдохонлигини ошириш бўйича қуйидаги мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда. “Соғлом овқатланиш”, “Юқумли касалликларни олдини олиш”, “Эмлашнинг аҳамияти”, “Тиёхвандик аср вабоси” каби мавзуларда маърузалар ўтказилмоқда. Шунингдек, тажрибали гематолог, профессор Дилором Сулейманова томонидан “Сурункали камқонлик унинг сабаби ва даволаш” мавзусида суҳбат олиб борилди.

Малика РАҲИМЖОНОВА,
Тошкент шаҳар 51-оилавий
поликлиника бош шифокори.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилми: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлғизмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳафти
4 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 511 дона.
Буюртма рақами Г-138.

Босмахонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 22-00.